

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
2025 йил "23" июндаги
№180 сон буйруғига
Илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИLMИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**"МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2025

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

**Республика ихтисослаштирилган
Онкология ва радиология илмий-
амалий тиббиёт маркази директори
М. Н. Тилляшайхов**



2024 йил

**"МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

ТОШКЕНТ – 2024

Мундарижа

"МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ" НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР ...	5
«МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАР МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	55
«МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	69
«МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ПАЛЛИАТИВ ТИББИЙ ЁРДАМ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ	84

**"МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ"
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2025

1. Кириш қисми

- Қисқача аннотация. Меъда ости беzi саратони C25,0, C25,1, C25,2 бўйича ушбу миллий клиник протокол далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган замонавий илмий маълумотларга мувофиқ меъда ости беzi саратонини назорат қилиш ва олдини олишга қаратилган ўз вақтида ва сифатли диагностика, терапевтик тактика, паллиатив ёрдамни таъминлаш учун ягона концепцияни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Меъда ости беzi саратони нозологияси бўйича ушбу миллий клиник протокол Ўзбекистон Республикаси туман, вилоят ва республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг амбулатор ва стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

- ХКТ-10 код (лар) и:

Код	Номланиши
C25.0	– Меъда ости беzi бош қисми саратони
C25.1	– Меъда ости беzi тана қисми саратони
C25.2	– Меъда ости беzi дум қисми саратони
C25.3	– Меъда ости беzi йўли саратони
C25.7	– Меъда ости беzi бошқа қисмлари саратони
C25.8	– Юқорида айтиб ўтилган локализациялардан бир ёки бир нечтасидан ташқарига чиқадиган меъда ости безининг ҳавфли ўсмаси
C25.9	– Меъда ости безининг ҳавфли ўсмаси, аниқлаштирилмаган

Юклаб олиш (ХКТ-10 дан ҳавола): <https://mkb-10.com/index.php?pid=1142>

- ХКТ-11 код (лар) и:

Код	Номланиши
2C10	– Меъда ости безининг ҳавфли ҳосиласи
2C10.0	– Меъда ости беzi аденокарциномаси
2C10.1	– Меъда ости безининг нейроэндокрин ҳосилалари
2C10.Y	– Меъда ости безининг бошқа аниқланган ҳавфли ҳосилалари
2C10.Z	– Аниқланмаган меъда ости беzi ҳавфли ҳосиласи
2E92.8	– Меъда ости безининг ҳавфсиз ҳосиласи
2D81	– Меъда ости безига ҳавфли ҳосилалар метастазлари

Юклаб олиш (ХКТ-11 дан ҳавола): <https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#2009008947>

- Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:

2025-2028 йил.

- Миллий клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази.

- МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ ВА СТАНДАРТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХИССА ҚЎШГАНЛАР:

- Мультидисциплинар ишчи гуруҳ аъзолари:

1. Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ директори;
2. Юсупбеков Абборбек Ахмеджанович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари;
3. Жураев Миржалол Дехканович – т.ф.д., профессор, РИОваРИАТМ абдоминал бўлими раҳбари;
4. Ибрагимов Шавкат Нарзиқулович – т.ф.д., РИОваРИАТМ радиология бўлими илмий раҳбари;
5. Нишанов Данияр Анарбаевич – т.ф.д., РИОваРИАТМ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари;
6. Камишов Сергей Викторович – т.ф.д., РИОваРИАТМ кимё терапия бўлими илмий раҳбари;
7. Рахимов Нодир Махаматович – т.ф.д., Самарқанд шаҳар ҳудудлар аро Хосписи директори;
8. Исмаилова Муножат Ҳаётовна – к.м.н., Тошкент Тиббиёт академияси онкология кафедраси мудири.
9. Хасанов Акбар Ибрагимович – т.ф.д., РИОваРИАТМ бош бўйин ўсмалари бўлими илмий раҳбари;
10. Абдукаримов Хуршид Ганжиевич – т.ф.д. РИОваРИАТМ таянч-ҳаракат аъзолари ўсмалари бўлими илмий раҳбари;
11. Ахмедов Одилжон Мухамеджанович – т.ф.н., РИОваРИАТМ эндовизуал жарроҳлик бўлими мудири;

- Мультидисциплинар муаллифлар рўйхати, қўшимча ҳаммуаллифлар жамоаси:

1. Якубов Юсуфджон Кенжаевич – т.ф.н., Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИОваРИАТМ) гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими илмий раҳбари;
2. Эгамбердиев Дилшод махмудович – т.ф.н., РИОваРИАТМ гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи ходими;
3. Максимкулов Джума Муминович – т.ф.н., РИОваРИАТМ гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи ходими;
4. Туйев Хусниддин Насриддинович –РИОваРИАТМ гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи ходими;
5. Соипов Бобур Бахтиёрович –РИОваРИАТМ гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими мудири;
6. Рахимов Санатжон Собирович –РИОваРИАТМ гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи ходими;
7. Хатамов Акбар Мухаметович –РИОваРИАТМ гепатопанкреатобилиар соҳа ўсмалари жарроҳлиги бўлими етакчи ходими.

- Такризчилар:

Республикадан:

Акбаров Миршавкат Миролимович – т.ф.д., профессор, В.В.Вохидов номидаги РИ хирургия ИАТМнинг 1-сон гепатобилиар жарроҳлик ва жигар трансплантацияси бўлими раҳбари.

Ҳориждан:

Дениш Пендхаркар – профессор, Ҳиндистон онкологлари Ассоциацияси президенти, Сарвадоя институти директори, Фаридобод, Ҳиндистон;

- Мультидисциплинар ишчи гуруҳ йиғилишида МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛни лойиҳасини муҳокамаси баённомасидан кўчирманинг рақами ва санаси: ишчи гуруҳнинг 5-сонли йиғилиши 2025 йил 22 майда бўлиб ўтган.

- Онкология тиббиёт йўналишлари кенгашлари йиғилишида AGREE усулида муҳокамадан ўтказилганлиги хулосаси ва йиғилиш баённомасидан кўчирма: Илмий Кенгашнинг 5-сонли йиғилиши 2025 йил 23 майда бўлиб ўтган.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва тахрирлаш:

Республикадан:

Исламов Хуршид Жамшидович – т.ф.н., Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази колопроктология бўлими илмий раҳбари;

Ҳориждан:

Ким Сергей – Сеул Миллий университетининг Бунданг госпитали ташқи алоқалар департаменти профессори.

Миллий клиник протокол ва стандартларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эксперт гуруҳи мутахассислари томонидан ўтказилган баҳолаш бўйича эксперт хулосаси:

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.Э, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирилган Кенгаш йиғилиш баённомасидан кўчирма (сана, №рақам).

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ:

СА 19	– карбогидрат антиген 19
АФП	– альфафетопротеин
ЮТА	– Юқори тутқич артерияси
ГПДР	– гастропанкреатодуоденал резекция
Гр	– Грей
ГЭП	– Гастроэнтеромеъда ости беши ўсмалар
ИГХ	– иммуногистохимия
МДГ	– Мультидисциплинар гуруҳ
МРТ	– магнит резонанс томография
НЭЎ	– Нейроэндокрин ўсмалар
ПБ	– пункцион биопсия

МОБ	–	Меъда ости беги
ПЗР	–	Полимераз занжир реакция
ПЭТ	–	позитрон эмиссион томография
РКТ	–	рентген компьютер томография
БМЎД	–	бир марталик ўчоқли доза
РЭА	–	саратон эмбрионал антигени
СЎД	–	Суммар ўчоқли доза
УТТ	–	Ультратовуш текширув
ХНТ	–	кимё нур терапия
ХТ	–	кимё терапия
ЭРХПГ	–	эндоскопик ретроград холецисто панкреатография
BRCA 1/2	–	Кўкрак беги саратони гени 1/2
TNM	–	Tumor Nodulus Metastasis - ҳавфли ўсма касалликлари босқичларининг халқаро таснифи.
ICD	–	касалликлар халқаро таснифи
IMRT	–	интенсив-модуляцияланган нур терапия
IGRT	–	сурат бўйича бошқариладиган нур терапия
SRS	–	стереотаксик радиохирургия
SRT	–	стереотаксик радиотерапия
3D CRT	–	3 ўлчамли конформ нур терапия
GEM-CAP	–	кимё терапия схемаси
GEMOX	–	кимё терапия схемаси
GP	–	кимё терапия схемаси
GTX	–	кимё терапия схемаси

- Мазкур нозология бўйича миллий протоколнинг фойдаланувчилари:

- Шифокор-онкологлар;
- Абдоминал онкологлар;
- Шифокор- катталар жарроҳлари;
- Кимё терапевтлар;
- Радиотерапевтлар;

- Умумий амалиёт шифокорлари;
 - Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари;
 - Шифокор-терапевтлар;
 - ОТМ талабалари, магистрлар, ординатор ва аспирантлар.
- **Мазкур нозология бўйича беморларнинг тоифаси:** (18 ёшдан) катталар.
 - **Далилларга асосланган тиббиётнинг, далиллари даражаси шкаласи:**

**Далилларнинг ишончлилик даражаларини (ДИД) баҳолаш ўлчови
диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун**

ДИД	Батавсил
1	Малумот назорати остида ўтказиладиган тадқиқотларнинг тизимли текшируви ёки рандомизацияланган клиник тадқиқотларнинг метатаҳлил ёрдамидаги тизимли текшируви
2	Маълумотларнинг усули ёки алоҳида тасодифий клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги алоҳида тадқиқотлар мунтазам равишда кўриб чиқиш, метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотлар бундан мустасно
3	Маълумотнома усули билан кетма-кет назоратсиз тадқиқотлар ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган тадқиқотлар ёки тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққослаб бўлмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳолатнинг тавсифи.
5	Фақат ҳаракат механизми ёки экспертларнинг фикрини асослаш мавжуд.

Профилактика, даволаш ва реабилитация (профилактика, даволаниш, реабилитация аралашувлари) учун далилларга ишонч даражасини баҳолаш ўлчови

ДИД	Батавсил
1	Метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотларни мунтазам кўриб чиқиш.
2	Алоҳида тасодифий клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари, метатаҳлил ёрдамида тасодифий клиник тадқиқотлар бундан мустасно.
3	Тасодифий бўлмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққослаб бўлмайдиган тадқиқотлар, клиник ҳодиса ёки қатор ҳодисалар тавсифи, «ҳодиса-контрол» тадқиқотлари.

5	Аралашувнинг ҳаракат механизми учун фақат асос мавжудлиги (клиникадан олдинги тадқиқотлар) ёки эксперт хулосаси.
----------	--

Профилактика, ташхис, даволаш ва реабилитация усуллари бўйича тавсияларнинг ишонтириш даражасини баҳолаш ўлчови (профилактика, даволаниш, реабилитация аралашувлари)

ДИД	Батавсил
А	Кучли тавсия (кўриб чиқилган барча самарадорлик мезонлар (натижалар) муҳим аҳамиятга эга, барча тадқиқотлар юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга, уларнинг қизиқиш натижалари бўйича хулосалари келишилган).
В	Шартли тавсия (кўриб чиқилган барча самарадорлик чоралари (натижалари) муҳим эмас, ҳамма тадқиқотлар ҳам юқори ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва / ёки қизиқиш натижалари бўйича уларнинг хулосалари келишилмаган).
С	Заиф тавсия (тегишли сифат далилларининг йўқлиги, кўриб чиқилган барча самарадорлик мезонлари (натижалари) муҳим эмас, барча тадқиқотлар паст услубий сифатга эга ва қизиқиш натижалари бўйича уларнинг хулосалари келишилмаган).

2. Асосий қисм.

- Кириш

Меъда ости беши саратони - безли тўқима ёки меъда ости беши йўлларида келиб чиққан хавфли ўсма ҳисобланади [1].

- Нозологиянинг умумий тавсифи (фойдаланилган манбаъга ҳавола:

https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=13)

Халқаро Саратонни ўрганиш Агентлиги – GLOBOCAN маълумотларига кўра, 2022 йилда меъда ости беши саратонининг жами 510 992 янги ҳолати аниқланган ва ушбу саратондан 467 409 киши вафот этган.

Меъда ости беши хавфли ўсмалари икки гуруҳга бўлинади: экзокрин қисм (95% ҳолларда) ва эндокрин қисм (5% ҳолларда). Камдан кам ҳолларда мезенхимал ўсмалар ва лимфомалар учрайди. Ушбу тавсиялар фақат меъда ости беши экзокрин қисмининг карциномаларига бағишланган.

Меъда ости беши саратони билан оғриган беморларнинг 10 фоизида касалликнинг ривожланиши маълум ирсий синдромларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Энг кенг тарқалган Пейтц–Егерс синдроми, Линч синдроми ва BRCA ген

мутациялари билан боғлиқ кўкрак беши ва тухумдонлар саратонининг мерос синдроми ҳисобланади [38]. Бошқа беморларда меъда ости беши саратони спорадик ҳисобланади. Ушбу патологиянинг ривожланиши учун қуйидаги хавф омиллари ҳисобга олинади: D3 витамини етишмовчилиги, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, сурункали панкреатит, қандли диабет, чекиш, семириш, кам жисмоний фаоллик [36, 40, 43].

Меъда ости беши саратони патогенези кетма-кет уч босқичга бўлинади. Ўсма инициация босқичи биринчи драйвер мутациясининг пайдо бўлишидир. Клонал тарқалиш ва метастазланиш босқичи мос равишда ушбу касалликнинг патогенезидаги иккинчи ва учинчи босқичлардир [42]. Бироқ, метастаз жараёни канцерогенезнинг якуний босқичи бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида маълумот тўпланмоқда [37]. Ўсма хужайралари канцерогенезнинг нисбатан эрта босқичларида метастазланиш қобилиятига эга бўлади ва узоқ аъзоларда бирламчи ўсмадан мустақил эволюцияланишда давом этади [39].

Саратон олди касалликларига панкреатик интраэпителиал неоплазиялар (ПанИн, PanIN), интрадуктал папилляр муциноз ўсмалари (ВПМО, IPMN) ва муциноз кистоз ўсмалари (МКЎ) киради. Меъда ости беши эпителийсининг хавфли трансформацияси жараёнида асосий генларнинг мутациялари тўпланади. Кўпинча инициал мутация KRAS генида бўлади. Кейинчалик, саратон олди касалликларини енгил дисплазиядан инвазив саратонгача бўлган қўлини белгилаб берувчи CDKN2, TP53, SMAD4/DPC4 и BRCA2 генларида мутациялар пайдо бўлади. Строма ва микроРНК компонентлари ўсманинг прогрессиясида муҳим рол ўйнайди [41].

Меъда ости беши саратонини (МОБС) даволаш тактикаси панкреатобилиар жарроҳ, нур диагности, дори ва нур терапияси бўйича мутахассисларнинг мажбурий иштирокида дисциплиналар аро онкологик консилиумда аниқланиши керак.

РИОваРИАТМ статистик маълумотларига кўра, 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида меъда ости беши саратони учраши бўйича саратон касалликлари ичида 13-ўринни эгаллади (эркакларда 2,9%, аёлларда 2,0%) ва 100 минг аҳолига нисбатан 1,7 тани ташкил этади. 2022 йилда биринчи марта МОБС билан касалланган жами 625 бемор аниқланди. Улардан фақатгина 4,5% ҳолатлар профилактик текширувлар пайтида фаол равишда аниқланган. МОБС морфологик тасдиқланган ташхиси бўлган беморларнинг улуши 72,8% ни ташкил қилади. Касалликнинг I босқичида 0,6%, II босқичида 18,2%, III босқичида 41,1% ва IV босқичида 33,9% ҳолатлар аниқланган. Беморларнинг 6,1 фоизида касалликнинг босқичини аниқлаб бўлмади. 2023 йил бошида диспансер назорати остида меъда ости беши саратони билан касалланган 1201 бемор бор эди ва касалмандлик 100 минг аҳолига 3,3 ни ташкил этди. Республикада МОБС билан 5 йиллик яшовчанлик даражаси 19,4% ва 1 йиллик ўлим даражаси 34,5% ни ташкил қилади. Ўзбекистон

Республикасида 2022 йилда 438 бемор меъда ости беши саратондан вафот этди, бу 100 минг аҳолига 1,2 ўлимни ташкил этади ва 10-ўринни эгаллайди.

- Клиник таснифи

Халқаро гистологик тасниф (ЖССТ таснифи, 5-нашр, 2019 й.):

Эпителиал ўсмалар:

Хавфсиз

Ацинар хужайрали цистаденома

Сероз цистаденома

Меъда ости безининг хавфли олди ўзгаришлари

3-даражали панкреатик интраэпителиал неоплазия (PanIN-3)

Интрадуктал папилляр муциноз ўсма, енгил ёки ўртача ифодаланган дисплазия билан

Интрадуктал папилляр муциноз ўсма оғир дисплазия билан

Интрадуктал тубулопапилляр ўсма

Муциноз кистоз ўсма, енгил ёки ўртача ифодаланган дисплазия билан

Муциноз кистоз ўсма оғир дисплазия билан

Хавфли

Дуктал аденокарцинома

Адено-ясси хужайрали саратон

Коллоид саратон (муциноз нокистоз саратон)

Гепатоид саратон

Медулляр саратон

Узуксимон хужайрали саратон

Дифференциаллашмаган саратон

Остеокластсимон гигант хужайрали дифференциаллашмаган саратон

Ацинар-хужайрали карцинома

Ацинар-хужайрали цистаденокарцинома

Инвазив юқори-, ўрта-, паст дифференциаллашган дуктал аденокарцинома билан ассоциацияланган интрадуктал папилляр муциноз ўсма

Аралаш ацинар-дуктал саратон

Аралаш ацинар-нейроэндокрин саратон

Аралаш ацинар-нейроэндокрин-дуктал саратон

Аралаш дуктал-нейроэндокрин саратон

Инвазив юқори-, ўрта-, паст дифференциаллашган дуктал аденокарцинома билан ассоциацияланган муциноз кистоз ўсма

Панкреатобластома

Сероз цистаденокарцинома

Солид-псевдопапилляр ўсма

Меъда ости безининг экзокрин қисмидан келиб чиқадиган хавфли ўсмаларга қуйидаги гистологик субтиплар киради:

- дуктал аденокарцинома (85–90%)
- инвазив аденокарцинома билан ассоцияланган интрадуктал папилляр муциноз ўсма (2–3%)
- инвазив аденокарцинома билан ассоцияланган муциноз кистозная ўсма (1%)
- солид псевдопапилляр ўсма (< 1%)
- ацинар-хужайрали карцинома (< 1%)
- панкреатобластома (< 1%)
- сероз цистаденокарцинома (< 1%).

Таснифлаш фақат меъда ости бези саратони учун қўлланилади. Ташхисни гистологик, цитологик тасдиқлаш, МРМ хулосаси бўлиши керак.

Анатомик соҳалар:

1. Меъда ости бези бош қисми.
2. Меъда ости бези тана қисми.
3. Меъда ости бези дум қисми.
4. Панкреатик йўл.
5. Регионар лимфа тугунлар.

Меъда ости бези регионар лимфа тугунларига қуйидагилар киради:

- Юқориги: бош ва тана қисмидан юқоридаги.
- Пастки: бош ва тана қисмидан пастдаги.
- Олдинги: олдинги панкреатодуоденал, пилорик ва проксимал мезентериал.
- Орқа: орқа панкреатодуоденал, умумий ўт йўли атрофи ва проксимал мезентериал.

Талок: талок дарвозаси ва меъда ости беzi думи соҳасидаги. Алдоҳида метастазлар кўпроқ жигарда, парааортал ва чап ўмров усти лимфа тугунларида (Вирхов) жойлашади.

Меъда ости безини TNM тизими бўйича босқичлаш (8-нашр)

Бирламчи ўсма (T):

T_x – бирламчи ўсмани баҳолаш учун маълумотлар етишмайди,

T_{is} – carcinoma in situ,

T₁ – ўсма меъда ости беzi билан чегараланган, энг катта ўлчами 2 см,

T_{1A} – ўсма энг катта ўлчами 0,5 смгача,

T_{1B} – ўсма 0,5 смдан катта, лекин энг катта ўлчами 1,0 смдан катта эмас,

T_{1C} – ўсма 1,0 смдан катта, лекин энг катта ўлчами 2,0 смдан катта эмас,

T₂ – ўсма меъда ости беzi билан чегараланган, энг катта ўлчами 2 смдан катта, лекин энг катта ўлчами 4,0 смдан катта эмас,

T₃ – энг катта ўлчами 4 смдан катта ўсма,

T₄ – ўсма қорин поясига, юқори тутқич ёки умумий жигар артериясига тарқалган.

Регионар лимфа тугунлари (N):

N_X – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумотлар етарли эмас,

N₀ – регионар лимфа тугунларининг метастазланиши белгилари йўқ,

N₁ – 1-3 регионар лимфа тугунларида метастазлар бор,

N₂ – 4 ва ундан кўп регионар лимфа тугунларида метастазлар бор.

Операциядан кейинги адекват босқичлаш камида 12 лимфа тугунларини морфологик текширишни ўз ичига олади.

Меъда ости беzi бош қисми ўсмалари учун регионар лимфа тугунларига умумий ўт йўллари бўйлаб лимфа тугунлари, умумий жигар артерияси, портал вена, орқа ва олдинги панкреатодуоденал аркадалар, юқори тутқич венаси ва юқори тутқич артериясининг ўнг латерал девори бўйлаб жойлашган лимфа тугунлар киради. Меъда ости беzi танаси ва думининг ўсмалари учун регионар лимфа тугунларига умумий жигар артерияси, қорин пояси, талок артерияси, талок дарвозаси бўйлаб лимфа тугунлари, шунингдек ретроперитонеал ва латерал аортал лимфа тугунлари киради. AJCC ва UICC версиялари бўйича TNM 8 нашрларини таснифлашда регионар лимфа тугунларини тавсифлашда принципиал тафовутлар мавжуд, шу билан бирга, UICC да латерал аортал лимфа тугунлари регионар деб таснифланган ишларга ҳаволалар йўқ. Беморни даволаш режасини тузишда ушбу маълумотни ҳисобга олиш керак.

М — Узоқ метастазлар.

- M0 Узоқ метастазлар йўқ.
- M1 Узоқ метастазлар бор.

pTNM патогистологик тасниф.

- pT, pN, pM мезонларини аниқлаш учун талаблар T, N, M мезонларини аниқлаш учун талабларга мос келади.
- G – гистопатологик дифференциация.
- GX –дифференциация даражасини белгилаш мумкин эмас.
- G1 – юқори дифференциация даражаси.
- G2 – ўрта дифференциация даражаси.
- G3 – паст дифференциация даражаси.
- G4 – дифференциаллашмаган саратон.

Босқичлар бўйича гуруҳлаш:

Босқич	T	N	M
0 босқич	Tis	N0	M0
IA босқич	T1	N0	M0
IB босқич	T2	N0	M0
IIA босқич	T3	N0	M0
IIB босқич	T1	N1	M0
	T2	N1	M0
	T3	N1	M0
III босқич	T1	N2	M0
	T2	N2	M0
	T3	N2	M0
	T4	N ҳар қандай	M0
IV босқич	Ҳар қандай T	N ҳар қандай	M1

3. Текширув усуллари, услублари, тиббий муолажалар ёндашувлари ва ташхислаш жараёнлари.

Ташҳислаш мезонлари:

- Шикоятлари ва анамнез:

Меъда ости беши саратонининг клиник кўринишидаги типик аломатлар: оғриқ, сариқлик, тери қичишиши, вазн йўқотиш, иштаҳанинг пасайиши, иситма ҳисобланади.

- Оғриқ энг кенг тарқалган аломат бўлиб, беморларнинг 70-85 фоизида кузатилади. Оғриқ кўпинча ўсма томонидан нерв пояларига ўсиб ўтиш ёки сиқилиши натижасида юзага келади, камроқ ўт йўлининг ёки вирсунг каналининг тикилиб қолиши ёки бирга келадиган панкреатитнинг ҳуружи туфайли перитонеал белгилар туфайли юзага келади. Бошча қисми саратонида оғриқ ўнг гипогастрал ёки эпигастрал соҳада сезилади, тана ва дем қисми саратонида чап қовурға ости ва эпигастрал соҳада оғриқ билан тавсифланади. Аммо ўнг қовурға остида оғриқ ҳислар билан ўзини намоён қилиши ҳам мумкин. Диффуз шикастланиш қориннинг юқори ярмида диффуз оғриқ билан тавсифланади. Баъзи беморларда оғриқ бир жойда локализация қилинади. Бошқаларида у умуртқа поғонасига ёки кураклар аро соҳага, камроқ ўнг елкага тарқалади. Вирсунг каналини тўсиб қўядиган ва панкреатит билан кечадиган ўсмаларда ҳуружсимон камарсимон оғриқ пайдо бўлади.

- Оғриқ кечкурун ёки кечаси, беморнинг орқа томонидаги ҳолатида кўпинча пайдо бўлиши ёки кучайиши қайд этилди. Оғир ва айниқса ёғли овқатдан сўнг, шунингдек спиртли ичимликларни истеъмол қилгандан кейин кузатилади. Оғриқ безининг танаси саратонида кучаяди, айниқса қуёш чигалига ўсма ўсганда ёки сиқилганида. Шу билан бирга, у жуда кучли, чидаб бўлмас бўлиб қолади ва белбоғсимон характериға эға бўлиши мумкин. Беморлар мажбурий позицияни эғаллайдилар, умуртқа поғонасини олдинға эғадилар. Стул суянчиғиға суянган ҳолда ёки қоринға босилган ёстиқ устидан энгашади. Ушбу"илмоқ" позаси меъда ости беши тарқалган саратони беморларға хосдир.

- **Сариқлик** – меъда ости беши бош қисмининг энг яққол аломатидир. Бу беморларнинг 70-80 фоизида учрайди. Бу ўт йўлиға ўсмасининг ўсиб ўтиши ва сафро тизимида сафро димланишидан келиб чиқади. Бу баъзан безнинг тана ва дум қисми саратонида ҳам кузатилади ва бундай ҳоллар лимфа тугунларига метастазлар орқали умумий ўт йўлининг сиқилишидан келиб чиқади. Касалликнинг биринчи аломати камдан-кам ҳолларда сариқликдир, кўпинча ундан олдин оғриқ ёки тана вазнининг йўқолиши кузатилади. Сариқлик табиатан механикдир. У аста-секин ривожланади. Унинг интенсивлиги тобора ортиб боради. Сариқлик пешоб ва нажас рангининг ўзгариши билан бирга келади. Нажас массалари рангсизланади. Пешоб пивони эслатувчи жигарранг рангға айланади.

Баъзида пешоб ва нажасдаги ўзгаришлар сариқлик пайдо бўлишидан олдин содир бўлади.

- Тери қичишиши – тери рецепторларининг сафро кислоталари билан таъсирланиши натижасида юзага келади. Меъда ости беши саратони туфайли сариқликда кўпчилик беморларда қичишиш пайдо бўлади. Одатда сариқлик пайдо бўлгандан кейин, кўпинча қонда билирубин миқдори кўтарилганда содир бўлади, лекин баъзида беморлар ҳатто сариқликдан олдинги даврда ҳам терининг қичишини қайд этишади. Қичишиш беморларнинг аҳолини сезиларли даражада ёмонлаштиради, уларга дам бермайди, уйқусизлик ва асабийлашишни кучайтиради, кўпинча терида излари кўринадиган кўплаб чизишларга олиб келади. Вазни йўқотиш энг муҳим аломатлардан биридир. Бу ўсма ривожланиши натижасида интоксикация туфайли ва сафро ва меъда ости беши йўллариининг тикилиб қолиши натижасида ичак ҳазм бўлишининг бузилиши туфайли юзага келади. Кўпгина беморларда вазн йўқотиш кузатилади, баъзида бу оғриқ ва сариқлик пайдо бўлишидан олдин касалликнинг биринчи аломати бўлиши мумкин. Иштаҳаниннг пасайиши беморларнинг ярмидан кўпида учрайди. Кўпинча ёғли ёки гўштли овқатлардан нафратланиш кузатилади. Вазн йўқотиш ва иштаҳаниннг пасайиши ҳолсизлик, чарчоқ ва баъзида кўнгил айниши ва қайт қилишнинг кучайиши билан бирга келади. Баъзида овқатдан кейин оғирлик ҳисси пайдо бўлади, меъда ёниши, ичак функцияси кўпинча бузилади, метеоризм, ич қотиши пайдо бўлади ва вақти-вақти билан диарея кузатилади. Нажас кўп, кулранг-лой рангга эга, ёқимсиз ҳидли, кўп миқдорда ёғни ўз ичига олган бўлади.

- Физикал текширишлар

Меъда ости беши саратонининг белгилари ўсиб бораётган ўсмадан келиб чиққан учта клиник ҳодисаниннг натижасидир: обтурация, сиқилиш ва интоксикация.

- **Компрессия феномени** меъда ости беши ўсмасининг нерв поясига ўсиб ўтиши ёки сиқилиши натижасида оғриқ билан намоён бўлади.

- **Обтурация феномени** ўсиб бораётган ўсма умумий ўт йўлини, ўн икки бармоқли ичакни, меъда ости беши йўлини тўсиб қўйса, талоқ венасини сиқиб қўйса содир бўлади. Умумий ўт йўлининнг обтурацияси сафро гипертензиясининг пайдо бўлишига олиб келади, бу механик сариқлик, қичишиш, жигар ва ўт пуфагининг катталаниши, рангсиз нажас ва пешобнинг қорайиши билан боғлиқ. Биляр гипертензия – бу беморнинг кейинги тақдирини белгилайдиган оғир патологик ҳолат. Бу жигар функцияси, юрак-қон томир ва асаб тизимлари, метаболизмнинг бузилишига олиб келади, брадикардия, бош оғриғи, апатия, асабийлашишнинг кучайишига олиб келади. Узоқ муддатли ва кучли сариқликнинг натижаси - жигар ва жигар-буйрак етишмовчилиги, холемик қон кетишдир. Ўсманиннг ўн икки

бармоқли ичакка ўсиши обструкцияга олиб келади ва клиникада привратник стенозини эслатади.

- **Инттоксикация феномени** вазн йўқотиш, иштаҳанинг пасайиши ва умумий ҳолсизлик билан намоён бўлади. Ушбу аломатлар кўпинча меъда ости беши саратонида кузатилади, чунки улар нафақат ўсманинг ўзи таъсиридан, балки ичак ҳазм бўлишининг бузилишидан ҳам келиб чиқади.

Лаборатор текширувлар:

Асосий:

- Меъда ости беши ўсмаси ёки жигар метастазининг биопсиясини **цитологик текшируви** (хужайра ўлчамларининг гигант даражагача ўсиши, хужайра ичидаги элементларнинг шакли ва сонининг ўзгариши, ядро ҳажмининг ошиши, унинг контурлари, ядро ва бошқа хужайра элементларининг етуклигининг турли даражалари, ядрочалар сони ва шаклининг ўзгариши);

- Меъда ости беши ўсмаси ёки жигар метастазининг биопсиясини **гистологик текшируви** (кучли хужайрали полиморфизм, хужайра ҳажмининг ошиши, кучли гипохромия, катта ядроларда бир ёки бир нечта нуклеоллар мавжудлиги, розетка шаклида саратон хужайраларининг безли тузилмалари, митоз ҳолатидаги кўплаб хужайралар мавжудлиги).

Қўшимча:

- Ўсма субтипини батафсил аниқлаш учун биопсия ва жарроҳлик материалларини иммуногистокимёвий текшируви;

- Молекуляр генетик тадқиқотлар: BRCA1, BRCA2 генларида 5% дан ортиқ мутацияларни аниқланиш частотаси, шунингдек, ушбу мутацияларнинг ХТ режимини танлашга сезиларли таъсири туфайли уларни аниқлаш барча беморларда тавсия этилади.

- Биокимёвий қон таҳлили меъда ости беши бош қисмида локализация қилинган ўсма учун механик ("жигар ости") сариқликнинг ривожланиши характерлидир – лаборатория текширувлар гипербилирубинемияни аниқлайди.

Носпецифик лаборатория текширувлари ёки кимётерапияни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда тавсия этилади:

- Кенгайтирилган қон умумий (клиник) таҳлили, ЭЧТ;

- Қон биокимёвий таҳлили: умумий оқсил, глюкоза, билирубин, креатинин, мочевино, темир, аланинаминотрасфераза (АЛТ), аспартатаминотрасфераза (АСТ), умумий билирубин, ишқорий фосфатаза (ИФ), плазма электролитлари (калий, натрий, хлор), СРО;

- пешоб умумий (клиник) таҳлили;

• Коагулология: фибриноген, протромбин, МНО, протромбин вақти, протромбин индекси, фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (АЧТВ), тромбин вақти (ТВ);

• жорий клиник ҳолатни баҳолаш учун ва уларнинг даражаси кўтарилганда кейинчалик касалликни мониторинг учун саратон эмбрионал антигенига (СЭА), аденоген саратонлар антигени СА 19-9 даражасини аниқлаш) учун қон таҳлили. Бошланғич даражасини аниқлаш билиар декомпрессия фониди, нормал билирубин даражасида, яллиғланишни бартараф этилгандан сўнг амалга оширилиши керак;

• Нейроэндокрин ўсмаларда дифференциал ташхислаш мақсадида хроматин А га қон таҳлили.

Инструментал текширувлар:

Асосий:

• Қорин бўшлиғи УТТси – меъда ости беши ўсмаларининг бирламчи диагностикаси.

• Қорин бўшлиғи мультислайс компьютер томографияси болуос контрастлаш билан меъда ости беши саратонини ташхислаш, томирлар инвазиясини баҳолаш ва узоқ метастазларни аниқлаш имконини беради (лимфа тугунларига, жагар, қорин бўшлиғига).

• Фиброгастродуоденоскопия (ўсма жараёнининг тарқалганлигини баҳолаш мақсадида)

Қўшимча:

• Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография – панкреатик ва ўт йўллари обструкциясини ташхислашда аҳамиятга эга.

• Магнит-резонанс холангиопанкреатография билан магнит-резонанс томография панкреатик ва ўт йўллари ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини беради.

• ПЭТ-КТ– ўсма жараёнининг кичик чанок, қорин бўшлиғи, қорин парда орти соҳаси, кўкрак қафаси, бош мия, юмшоқ тўқималар, суякларга тарқалиш даражасини баҳолашда, “кичик” ўсмаларни, рецидив ва метастазларни аниқлашда энг сезгир ва информатив усуллардан бири ҳисобланади.

NB! Инструментал текширув усуллари ҳар қандай кетма-кетлигида меъда ости бешидаги ўзгаришлар табиатини ва ўсманинг тарқалганлигини аниқлаш зарур.

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда асосий текшириш усуллари:

1. ҚУТ лейкоформула ва тромбоцитлар миқдорини ҳисоблаш билан;
2. Қон биокимёвий таҳлики (натрий, калий, кальций, глюкоза, мочевина, креатинин, пешоб кислотаси, умумий оқсил, альбумин, умумий билирубин, бевосита билирубин, ЛДГ, АСТ, АЛТ, СРБ, ишқорий фосфотаза);
3. АВО тизими бўйича қон тугуҳини аниқлаш;
4. Резус-факторни аниқлаш;
5. Пешоб умумий таҳлили;
6. Коагулограмма (АЧТВ, ПВ, МНО, ПТИ, фибриноген);
7. ИФА ёки ИХЛ усулида вирусли гепатит Б ва С маркерларини аниқлаш
8. ИФА усулида ОИВ-инфекцияни аниқлаш (HIVAg/anti-HIV);
9. В ва С вирусли гепатитлари учун ПЗР (сифатли)
- 10.Заҳмга серологик реакциялар мажмуаси;
- 11.Саратон эмбрионал антигенига (СЭА), аденоген саратонлар антигени СА 19-9 даражасини аниқлашга қон таҳлили;
- 12.Нейроэндокрин ўсмаларда дифференциал ташҳислаш учун хроматин А га қон таҳлили;
- 13.Фиброэзофагогастродуоденоскопия биопсия билан;
- 14.Меъда, 12 бармоқ ичак ва меъда ости безини рентгеноскопик текшируви, контрастлаш билан (икки қарра контрастлаш);
- 15.Комплекс ультратовуш диагностикаси (жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези, талок, буйрақлар, ўмров усти лимфа тугунлари);
- 16.Қорин бўшлиғи мультислайс компьютер томографияси, болуос контрастлаш билан;
- 17.Биоптатни цитологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *;
- 18.Биоптатни гистологик текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини) *
- 19.ЭКГ;
- 20.ЭхоКГ;

- Муолажа ва аралашувга тайёрлашда қўшимча текшириш усуллари:

1. ПЗР усулида Эбштейн-Барр вируси, 1-2 тип герпес, цитомэгаловирус, токсоплазмоз;
2. В ва С гепатит вирусларига ПЗР (миқдорий);
3. COVID-19 ги ПЗР;

4. Қонни кислота ишқорий ҳолати (КИХ) ва газларга аниқлаш;
5. Бевосита ва билвосита Кумбс реакцияси;
6. Стандарт цитогенети текшириш;
7. FISH усулида ва молекуляр-генетик текшириш;
8. Ферритин, фолатлар, зардоб темири, Витамин В12ни аниқлаш;
9. ProBNP
10. Прокальцитонин
11. Антитромбин III, Д-димер
12. Фертил ёшидаги аёлларда – ҳомиладорликка тест, ХГЧни аниқлаш;
13. Периферик қон ИФТси;
14. Инсон Т-лимфотроп вируси I/II-IgG га антитана;
15. Стандарт –цитогенетик текшириш;
16. FISH ва ПЗР усулида молекуляр-генетик текшириш;
17. Биоптатни иммуногистокимёвий текшириш (ҳосилани, лимфа тугунини)*
18. Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография;
19. Магнит-резонанс холангиопанкреатография билан магнит-резонанс томография;
20. Бутун тана ПЭТ/КТси**;
21. Бурун ёндош бўлиқлари рентгенографияси;
22. Ортопантограмма;
23. Кўкрак сегментини компьютер томографияси;
24. Бош, бўйин ва қорин бўшлиғини контрастли КТси;
25. Бронхоскопия;
26. Колоноскопия;
27. Томирлар (вена ва/ёки артериялар) УТДГси;
28. Спирография;
29. Бош мия МРТси;
30. Плеврал бўшлиқ, периферик лимфа тугунлар, кичик чаноқ, ковуқ УТТси;
31. Холтер – мониторинг билан ЭКГ


* Агар аввал ўтказилмаган бўлса.

** Касалликнинг бошланишида ва қайта босқичлаш пайтида бажариш керак.

- Мутахассисларнинг консултатив кўруви учун кўрсатмалар:

- **Кардиолог кўриги** (50 ёш ва ундан катта беморларда, шунингдек, ЮҚТ да патологияси бўлган 50 ёшдан кичик беморлар);
- **Гинеколог кўриги** (кичик чаноқ аъзоларида ҳажмли ҳосила белгилари бўлган аёлларда, оилавий, биргаликда келувчи саратон турларини истисно қилиш мақсадида);
- Меъда ости беzi саратонини даволаш бошланишидан олдин **акusher-гинеколог/репродуктологнинг маслаҳати** зарур, агар бемор келажакда фарзанд кўришни хоҳласа, ёрдамчи репродуктив технологияларнинг мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилиш, шунингдек, туғиш ёшидаги беморларда ўсмага қарши дори терапияси даврида, яқин келажакда ва ундан кейин исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун ишончли контрацептив воситалардан фойдаланиш масаласида [5];
- **невропатолог кўриги** (қон томир мия касалликларида, шу жумладан инсулт, мия шикастланиши, эпилепсия, миастения, нейроинфекцион касалликлар, шунингдек, онгни йўқотишнинг барча ҳолатларида);
- **эндокринолог кўриги** (эндокрин аъзолари томонидан ҳамроҳ касалликлари бўлган тақдирда);
- **қон-томир жарроҳи кўриги** (варикоз касаллик, туғма/орттирилган томирлар патология мавжуд бўлган ҳолларда);
- **пульмонолог кўриги** (ўпка паренхимасида қолдиқ патологиялар мавжуд бўлганда, бактериал / вирусли / ноаниқ генезли яллиғланиш жараёнидан кейин).
- ҳамроҳ патологиялар мавжуд бўлганда, **бошқа мутахассислар кўриклари**: фтизиатр (анамнездаги сил касаллиги бўлса), юқумли касалликлар бўйича мутахассис (сурункали гепатит бўлса) ва бошқалар.
- **нефролог кўриги** (буйрак патологияси, гиперазотемия мавжуд бўлганда).

- Диагностик алгоритм [36]:



1-расм. Меъда ости беzi саратонида тавсия этилган даволаш ва диагностика чоратадбирлар алгоритми

- Қиёсий ташхис ва қўшимча текширувларни асослаш

1-жадвал. Меъда ости беzi саратонини дифференциал ташхислаш [36]

Ташхис	Қиёсий ташхис учун асослаш	Белгилари	Текширув ва ташхис мезонлари
МОБ саратон	Абдоминал оғриқ синдроми	Оғриқ синдроми интенсивлигининг ўзгариши (шу жумладан овқатланиш билан боғлиқ оғриқнинг кучайиши), вазн йўқотиш ёки сариклик	<ul style="list-style-type: none"> • КТ ёки ЭРХПГ: МОБ ҳосиласи ёки йўлининг стриктураси. • Биопсия. • қон онкомаркерлари (СА19-9, СЕА).
Ўткир панкреатит	Абдоминал оғриқ синдроми	Ўткир оғир панкреатитнинг ўзига хос белгилари: доимий аъзо етишмовчилиги (респиратор, буйрак; гипотония ёки руҳиятнинг бузилиши)	<ul style="list-style-type: none"> • Зардоб амилаза ва/ёки липазасининг уч карра ошиши. • Абдоминал КТ: интерстициал ёки некротизацияловчи ХП.
Яра касаллиги (ЯК)	Абдоминал оғриқ синдроми	Абдоминал дискомфорт, кўнгил айнаш, кекириш, қорин дам бўлиши, темир танқис анемия, эҳтимол мелена ва гематомезис	<ul style="list-style-type: none"> • ЭГДС: яра дефектини аниқлаш.
Мезентериал ишемия	Абдоминал оғриқ синдроми	Қорин деворининг таранглашисиз	<ul style="list-style-type: none"> • КТ ангиография /МРТ ангиография,

		периумбиликал, постпрандиал абдоминал оғриқ, вазн ташлаш. Ўткир ишемия –интенсив оғриқ синдромининг бошланиши	доплерография (мезентериал артериялар ва уларнинг тармоқларини торайишини ангиографик сурати). • Эхтимол, амилаза/ липазанинг реактив кўпайиши ва бу ташхисни қийинлаштиради
Миокард инфаркти	Абдоминал оғриқ синдроми	Чап қоринча пастки деворининг миокард инфаркти эпигастрал оғриқ, диспептик ҳодисалар, совук тер, нафас қисилиши билан намоён бўлиши мумкин	• ЭКГ, кардиал ферментлар (тропонин).
Ичак тутилиши	Абдоминал оғриқ синдроми	Интенсив оғриқ синдроми кўнгил айнаши ва қайт қилиш билан бирга келади, вақти-вақти билан ёлхон яхшиланиш билан алмашилиб келади	• Нур текширув усуллари (масалан, қорин бўшлиғи обзор рентгенграфиясида Клойбер косачалари аниқланади).
Радикулопатия	Абдоминал оғриқ синдроми	Позицион оғриқлар (иннервацияловчи дерматом лдокализацияси бўйлаб)	• Электромиография ва умуртқа поғонаси МРТси.

Постгерпетик невралгия	Абдоминал оғриқ синдроми	Сезгирликнинг бузилиши билан куйдирувчи оғриқ Визуал: тери эритемаси ва дерматов доирасида везикулалар	<ul style="list-style-type: none"> • Клиник диагностика (нервлар бўйлаб везикулёз элементларнинг мавжудлиги).
Нефролитиаз	Абдоминал оғриқ синдроми	Бир томонлама оғриқ, бел ёки қоринга иррадиацияланувчи Диспепсик бузилишлар пешоб келишининг бузилиши ёки гематурия билан бирга келади	<ul style="list-style-type: none"> • УТТ, КТ (буйрак жомчалари ва уретрада конкрементларнинг аниқланиши). • Патологик пешоб чўкмаси.
Ўт тош касаллиги	Ичак диспепсияси, эҳтимол абдоминал оғриқ, сариқлик	Овқат қабул қилиш билан боғлиқ оғриқ, кўнгил айнаш, қайт қилиш, анорексия. Оғриқлар давомийлиги ХПга нисбатан қисқароқ (1-2 соат)	<ul style="list-style-type: none"> • УТТ, ЭндоУТТ, КТ, МРТ: холелитиаз (холецистолитиаз, холедохолитиаз, умумий ўт йўлининг дилатацияси). • Жигар ферментлари фаоллигининг ошиши.

4. Амбулатория даражасида даволаш тактикаси: йўқ

5. Тиббий ёрдам кўрсатиш туридан келиб чиқиб шифохонага ётқизиш учун кўрсатмалари:

1) Режали ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:

- шубҳа қилинган ёки верификацияланган меъда ости беzi саратони, II клиник гуруҳ.

2) Шошилич ёрдам кўрсатиш шифохонасига ётқизиш учун кўрсатмалар:

- ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган турларини талаб қиладиган саратон касаллигининг асоратлари мавжудлиги (механик сариқлик, қон кетиш, ўсманинг емирилиши);
- онкологик касалликларни даволаш (жарроҳлик аралашуви, НТ, дори терапияси ва бошқалар) нинг асоратлари мавжудлиги.

6. Стационар даражасида даволаш тактикаси [5, 9, 16,17].

1) Беморни кузатиш картаси, беморни маршрутизацияси: йўқ.

2) Даволашдан мақсад:

- ҳавfli ўсмани аъзо билан тўлиқ ёки қисман олиб ташлаш;
- ўсма жараёнининг тўлиқ ёки қисман регрессияси, стабилизациясига эришиш.

Меъда ости беzi саратонини даволаш усулларини танлаш кўплаб омилларга, шу жумладан ўсманинг ўлчамларига, бошқа аъзо, тўқималар ва лимфа тугунларининг жараёнга жалб қилинганлигига боғлиқ.

Беморда ҳамроҳ касалликларнинг (оғир юрак, ўпка, буйрак касалликлари) мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади.

Мутахассислар бу омилларнинг барчасини ҳисобга олишади. Бемор учун индивидуал режа ишлаб чиқилган бўлиб, у жарроҳлик даволаш ва/ёки кимётерапиядан иборат бўлиши мумкин.

2) Номедикаментоз даво:

- Режим: консерватив даво пайтида – умумий. Операциядан кейинги эрта даврда – ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажмига ва ҳамроҳ патологияга қараб). Операциядан кейинги даврда – палата режими.
- **Пархез:** жарроҳлик давосидан сўнг – 1-чи стол, сўнгра 15-чи столга ўтилади.

Нур терапия.

Меъда ости беги саратонида нур терапия мақсадли вазифаси:

- радикал нур терапия;
- паллиатив нур терапия;
- симптомати нур терапия.

Мустқил, амалиётдан олдинги ва кейинги режимда.

Нур терапия турлари:

- фотон терапия (юқори энергияларнинг тормозли нурланиши, гамма терапия).
- корпускуляр терапия (юқори энергияларнинг тез электронлари, протон, ион, нейтрон турлари).

Нур терапия усуллари (Вақт ўтиши билан дозани фракциялаш):

а) Классик (стандарт) фракциялаш режими: БМЎД 1,8-2,4 Гр ҳафтасига 5 фракциягача, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД 20,0-70,0 Гргача.

б) Гипофракциялаш режими БМЎД >2,5 Гр ҳафтасига 5 фракциягача, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД > 15,0 Гргача.

в) Гиперфракциялаш режими (мультифракциялаш): БМЎД 1,0-1,25 Гр кунига 2 маҳал 4-6 ва 20-18 соатдан сўнг, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД 20-70 Гргача.

г) Стереотаксик радиохирургия – бир вақтнинг ўзида юқори дозани йиғиш (БМЎД 12 Гр ива кўпроқ) стереотаксик техникани қўллаш билан; аниқ чегарали кичик ўсмаларда ишлатилади (максимал ўлчами 3 смгача);

д) Стереотаксик радиотерапия (SRT) – йирик фракцион нурланиш 2- дан 5 фракциягача БМЎД > 7,0 Гр ҳар куни СЎД >14 Гргача.

Нур терапия усуллари.

– Дистанцион НТ.

- 2 ўлчовли конвенциал (стандарт) нур терапияси (2D RT);
- 3 ўлчовли конформ нур терапияси (3D CRT);
- интенсив-модуллашган нур терапияси (IMRT);
- сурат бўйича бошқариладиган нур терапия (IGRT);
- нафас билан синхронлашган нур терапияси (4D RT);
- стереотаксик радиохирургия (SRS);
- стереотаксик радиотерапия (SRT).

– Интраоперацион нур терапия (IORT);

– Брахитерапия.

Бош мияга метастазларда нур терапия.

1. С1 бўйин умуртқасигача бош мияни тотал нурлаш:

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-40 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-35 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-33 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр 5 фракция СЎД 20 Гр.

2. Болш мияни локал нурлаш

- стереотаксик радиохирургия (SRS) - БМЎД 10,0 – 30,0 Гр метастаз диаметри 3 см дан катта бўлмаганда 1 фракция;
- стереотаксик радиотерапия (SRT) – БМЎД 6,0-10,0 Гр метастаз диаметри 3,0 дан 6,0 смгача бўлганда 3-5 фракция;
- метастазларни локал нурлаш БМЎД 2,0-3,0 СЎД 20-60 Гргача.

Скелет суякларидаги метастазларда нур терапия:

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 39-45 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр 3-ҳафтасига 5 фракция СЎД 20-40 Гр;
- БМЎД 8,0 Гр 1-2 фракция.
- Нур терапияси конвенциал (стандарт) ёки конформ нурланиш режимида статик кўп майдонли режимда амалга оширилади БМЎД 1,8-2,0-2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-60 Гр узлуксиз ёки бўлинган курсда.
- Радиация терапияси операциядан кейинги режимда, операциядан олдинги ёки мустақил таъсир қилиш нуқтаи назаридан кимётерапия билан биргаликда буюрилади.
- Нурланиш гамма-терапевтик ускуналарда ёки чизикли тезлаткичларда ўтказилади.

4) Медикаментоз даво

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Кимё терапия.

Кимё терапия – бу махсус препаратлар, цитостатиклар ёрдамида саратон хужайраларини йўқ қилиш ёки ўсишини секинлаштиришга қаратилган ҳавфли саратон ўсмаларини медикаментоз даволашдир. Кимётерапия билан саратонни даволаш индивидуал равишда танланган маълум бир схема бўйича мунтазам равишда амалга оширилади. Одатда, ўсма кимётерапияси схемалари дориларнинг маълум комбинацияларини қабул қилишнинг бир неча курсларидан иборат бўлиб, шикастланган тана тўқималарини тиклаш учун дозалар орасидаги паузалар қилиш билан ўтказилади.

Буюрилиш мақсадига қараб кимё терапиянинг бир неча тури фарқланади:

- ўсмаларнинг неoadъювант кимё терапияси операциядан олдин, операция қилиш учун нооперабел ўсмани кичрайтириш, шунингдек, операциядан кейинги даво учун саратон хужайраларининг дориларга сезгирлигини аниқлаш учун буюрилади.
- Адъювант кимё терапия метастазнинг олдини олиш ва рецидивлар хавфини камайтириш учун жарроҳлик даволашдан кейин буюрилади.
- Даволовчи кимё терапия метастатик саратон ўсмаларини кичрайтириш учун қўлланилади.

Ўсманинг жойлашиши ва турига қараб, кимётерапия турли схемалар бўйича белгиланади ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Кимё терапияга кўрсатмалар:

- гистологик тасдиқланган меъда ости беzi саратони;
- маҳаллий тарқалган ўсмаларни даволашда;
- регионар лимфа тугунларида/узoқ аъзоларда (ўпка, жигар, бош мия, суякларда) метастазлар;
- ўсма рецидивлари;
- беморда қон сурати кўрсаткичлари қоникарли бўлиши;
- жигар, буйраклар, нафас тизими ва ЮҚТ фаолияти сақланганда;
- нооперабел жараённи операбел жараёнга ўтказилганлик эхтимолида;
- бемор операциядан бош тортганда;
- ёмон гистотибли (паст дифференциалланган, дифференциаллашмаган) ўсмаларда даволашнинг узoқ натижаларини яхшилаш.

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар:

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар икки гуруҳга бўлиш мумкин: абсолют ва нисбий.

Абсолют қарши кўрсатмалар:

- гипертермия >38 градус;
- декомпенсация босқичидаги касалликлар (юрак-қон томир , нафас олиш тизими, жигар, буйраклар);
- ўткир инфекцияон касалликларнинг мавжудлиги;
- психик касалликлар;
- битта ёки бир нечта мутахассислар томонидан тасдиқланган, ушбу давонинг самарасизлиги;
- ўсмани парчаланиши (қон кетиш ҳавфи);
- Карновский шкаласи бўйича 50% ва ундан кам бемор умумий аҳволининг оғирлиги (1-иловага қаранг).

Нисбий қарши кўрсатмалар:

- 16-18 ҳафталик ҳомиладорлик;
- организм интоксикацияси;
- фаол ўпка туберкулези;
- қон таркибининг турғун патологик ўзгаришлари (анемия, лейкопения, тромбоцитопения);
- кахексия.

Ҳозирги вақтда меъда ости беши саратони билан оғриган беморлар учун кимётерапевтик даволашнинг тан олинган стандарти Гемцитабин билан монотерапиядир. Ушбу схемани бошқа дорилар (фторурацил, платина ҳосилалари, таксанлар) билан яхшилашга уринишлар шу кунгача муваффақиятли бўлмади.

Энг кенг тарқалган кимё терапия схемалари.

Адьювант терапия:

1. Фторурацил 425 мг/м², в/и, 1-5-чи кунлар Курс ҳар 3-4 ҳафтада такрорланади. 6 цикл.
2. Гемцитабин 1000 мг/м², в/и (10мг/м²/мин) 1, 8, 15-чи кунлар. Курслар ҳар 28 кунда такрорланади. 6 цикл.

Неoadъювант терапия - У потенциал операбел жараёнда резектабелликни ошириш ва умумий яшовчанликни яхшилаш мақсадида қўлланилади.

Тарқалган меъда ости беzi саратони.

Монохимиотерапия:

1. Гемцитабин 1000 мг/м², в/и, 100 дақиқа давомида; 10мг/м²/мин; 1, 8, 15 кунлар ҳар 28 кунда.

ёки гемцитабин 1000мг/м², в/и, ҳар ҳафта, 7 ҳафта давомида, кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, кейинги курс гемцитабин - 1000мг/м², в/и, ҳар ҳафта, 3 ҳафта давомида кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан.

3 ҳафталик курс ҳар 28 кунда такрорланади.

2. Капецитабин 1250мг/м², ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 14-чи кунгача.

Дозалар 850-1000мг/м²гача пасайтирилиши мумкин, ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 14-чи кунгача клиник самарадорликни камайтирмаган ҳолда токсиклик ҳавфини камайтириш учун.

Ҳар 21 кунда такрорланади.

3. Фторурацил 500 мг/м², в/и, 1-чидан 5-чи кунгача, ҳар 28 кунда.

4. Эрлотиниб 100мг, ичишга, ҳар куни прогрессиягача.

Комбинирланган кимё терапия:

1. Фторурацил 425 мг/м², в/и, 1-чидан 5-чи кунгача ва давом этади;

Кальция фолинат 20мг/м², в/и, 1-чидан 5-чи кунгача.

Ҳар 4 ҳафтада такрорланади.

2. Гемцитабин 1000 мг/м²; 1, 8, 15, 22 кунлар;

Кальция фолинат 200 мг/м², в/и; 1, 8, 15, 22 кунлар.

Фторурацил 750 мг/м², в/и; 1, 8, 15, 22 кунлар. Ҳар 6 ҳафтада такрорланади.

3. GEM-CAP:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и; 1, 8, 15 кунлар;

Капецитабин 880 мг/м², ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 21-чи кунгача.

Ҳар 28 кунда такрорланади.

4. GTX:

Гемцитабин 750мг/м², в/и, 75 дақиқа давомида, 4-чи ва 11-чи кунлар;

Доцетаксел 30мг/м², в/и, 4-чи ва 11-чи кунлар;

Капецитабин 1000-1500мг/м², ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 14-чи кунгача.

Ҳар 3 ҳафтада такрорланади.

5. GEMOX:

Гемцитабин 1500мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар;

Оксалиплатин 85мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар. Ҳар 4 ҳафтада.

1ки

Гемцитабин 1000мг/м², в/и, 100 дақиқа давомида, 10мг/м²/мин, 1-чи кун;

Оксалиплатин 100мг/м², 2 соат давомида, 2-чи кун.

Цикл ҳар 2 ҳафтада такрорланади.

6. GP:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар;

Цисплатин 25мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар

Ҳар 21 кунда.

7. GF:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и; 1, 8, 15 кунлар;

Фторурацил 400мг/м², в/и, оқим билан, сўнгра - 600мг/м², 22 соатлик инфузия, 1-чи ва 2-чи кунлар.

Ҳар 28 кунда.

8. DG:

Доцетаксел 35мг/м², в/и; 1, 8, 15 кунлар;

гемцитабин 1000мг/м²; 1, 8, 15 кунлар.

Ҳар 28 кунда.

9. FOLFOXIRI:

иринотекан 165мг/м², в/и, 1-чи кун;

оксалиплатин 85мг/м², 1-чи кун;

кальция/натрия фолинат 200-400 мг/м², в/и 2 соатлик инфузия 1-чи кун;

фторурацил 3200мг/м², в/и 48 соатлик инфузия.

Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.

10. Гемцитабин + Эрлотиниб:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и, ҳар ҳафта, 7 ҳафта давомида, кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, кейинги курслари 1000мг/м², ҳар ҳафта, 3 ҳафта давомида, кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан Эрлотиниб 100мг, ичишга, ҳар куни прогрессиягача. 3 ҳафталик курс ҳар 28 кунда такрорланади.

11. mFOLFIRINOX: иринотекан 165-180мг/м², в/и, 1-чи кун; оксалиплатин 60-85мг/м², 1-чи кун;

кальция/натрия фолинат 400 мг/м² в/и 120мин; фторурацил 320-400мг/м² в/и болюс шаклида; фторурацил 2000-2400мг/м², в/и 46 соатлик инфузия. Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.

12. Олапариб 300 мг (2 таблетка 150 мгдан) суткасига 2 марта монотерапия сифатида BRCA1/2 герминал мутация мавжуд бўлган меъда ости безини метастатик аденокарциномасини қўллаб-қувватловчи терапия сифатида биринчи қатор платина сақловчи кимё терапия билан минимум 16 ҳафталик даволашдан сўнг прогрессияланиш кузатилмаган ҳолатларда. Давомийлик касаллик прогрессирангунча ёки чидаб бўлмас токсиклик кузатилгунча.

Кимё-нур терапия:

фторурацил + нур терапия (GITSG режим):

- фторурацил 500мг/м²/кунига, в/и, 1-чи кундан 3-чи кунгача ва 29-чи кундан 31-чи кунгача, кейинчалик –ҳар ҳафта, 71-кундан бошлаб.
- Нур терапия умумий дозаси 40Гр.
- Кимё терапия ва нур терапия конкурент шаклда штказилади.

"НЭ" кимётерапияси агар жарроҳлик даволаш имконсиз бўлса, циторедуктив операциялардан сўнг буюрилади.

Фаолиятдаги G1-G3 НЭЎлар:

Ланреотид – тавсия этилган бошланғач доза 90 мг ҳар 28 кунда 2 ой давомида. Кейинчалик дозани симптомларнинг эришилган пасайишига қараб танлаш керак. Клиник аломатлар ("қизишлар" ва юмшоқ нажас) билан баҳоланадиган жавоб етарли бўлмаган тақдирда, дозани 120 мггача оширилади, ҳар 28 кунда (4 ҳафтада). Клиник аломатлар ("қизишлар" ва юмшоқ нажас) билан баҳоланган етарли жавоб бўлса, дозани 60 мггача тушириш мумкин, ҳар 28 кунда (4 ҳафтада).

Октреотид 0,1 мг т/о суткада 3 марта қисқа вақт ичида (тахминан 2 ҳафта) унинг самарадорлигини ва умумий кўтаришини баҳолаш учун қилинади, сўнгра октреотид 20 мг мушак орасига 1 марта/28 кунда қилинади. Агар 3 ой ичида касалликнинг клиник кўринишлари ва биологик белгиларини етарли даражада назорат қилиш таъминланса, Октреотид 10 мг мушак орасига 1 марта / 28 кунда қилинади.

Агар 3 ой ичида касалликнинг клиник кўринишлари ва биологик маркерларни қисман назорат қилиш таъминланса – Октреотид 30 мг мушак орасига ҳар 4 ҳафтада буюрилади.

Прогрессияланиш:

- эверолимус 10мг ичишга ҳар куни прогрессиягача.
- эверолимус 10мг ичишга ҳар куни Октреотид билан комбинацияда 28 кунда 1 марта прогрессиягача.

Фаолиятсиз НЭЎ

Ki67>10%, G2/G3: темозоломид;

Лантреотид норезеектабел маҳаллий тарқалган ёки метастатик ўсмалар бўлган катта ёшли беморларда ўрта ичакдан, меъда ости беши ёки номаълум бирламчи ўчоқдан (орқа ичакдан келиб чиққан ўсмалар бундан мустасно) келиб чиққан, грэйд 1 ва 2 (пролиферация индекс Ki67 10%гача) гастроэнтеропанкреатик, нейроэндокрин ўсмаларда (-НЭЎ) кўрсатма бўлади:

рекомендуемая доза Лантреотинги тавсия этилган дозаси 120 мг ни ташкил этади, ҳар 28 кунда. Даво Ki67 5-20%, G2 назорати учун қанча зарур бўлса шунча давом этиши керак:

доксорубицин+фторурацил;

Ki67 2-20%, G1/G2:

1) эверолимус;

2) сунитиниб

Ki67>20%, G3:

1) карбоплатин/дисплаин+этопозид*

Дори терапиясининг схемалари:

1) Цисплатин - 80 мг/м² в/и томчилаб 1-чи кун. Этопозид* - 120мг/м² в/и томчилаб 1-3-кунларда. Цикл ҳар 4 ҳафтада такрорланади;

2) Карбоплатин – АУС 4-5. Этопозид*100мг/м² в/и 1-3-кунлар. Цикл ҳар 4 ҳафтада такрорланади;

3) Темозоломид - 150 мг/ м² /сут ичишга 7 кун, танаффус 7 кун; бевацизумаб –5 мг/кг в/и 2 ҳафтада 1 марта.

Курс давомийлиги 22 ҳафта;

4) Темозоломид - 150 мг/ м² /сут ичишга 1- 5-кунлар; капецитабин – 2 г/ м² /сут ичишга 1-14-кунлар Бевацизумаб – 5 мг/кг в/и 2 ҳафтада 1 марта Курс ҳар 28 кунда такрорланади;

5) XELOX: оксалиплатин 130 мг/м² 1-кун, капецитабин суткасига 2000 мг/м² (2 та қабулга бўлиш, эрталаб ва кечқурун) 1-14-кунлар;

6) α -ИФН 3-5 млн. ЕД т/о ҳафтасига 3 марта. Доз толерантликка қараб индивидуал равишда танланади;

7) Эверолимус 10мг ичишга ҳар куни прогрессиягача.

2 -жадвал

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг ХПН	Қўллаш тартиби	Ишончлилик даражаси
Алкилловчи агентлар – платина комплекс бирикмалари	цисплатин	75 мг/м ² 1-чи кун, в/и	А
	карбоплатин	АУС 5-6 1-чи кун, в/и	
Пиримидин антогонистлари – фторпиримидинлар	капецитабин	2000 мг/м ² , 1-14 кунлар, таблеткалар, ичишга	А
Антиметоболитлар – цитидин аналоглари	гемцитабин	1000 мг/м ² 1-чи, 8-чи ва 15-чи кунлар, в/и	А
Топоизомераза 1 специфик ингибиторлари	иринотекан	165 мг/м ² 1-чи кун, в/и	А
Топоизомераза 11 специфик ингибиторлари	этопозид*	100 мг/м ² 1-5 кунлар, в/и	А
Платина комплекс бирикмалари	оксалиплатин	130 мг/м ² 1-чи кун, в/и	А
Алкилловчи бирикмалар	дакарбазин	200 мг/м ² в/и 1-3-кунларда	А
Антиметаболит	фторурацил	400 мг/м ² , в/и оқим билан, сўнгра - 600мг/м ² 22 соатлик инфузия	А
Протеинкиназа ингибиторлари	эрлотиниб	100 мг ичишга,	А
Соматостатиннинг синтетик аналоглари	ланреотид	120 мг ҳар 28 кунда	В
Соматостатин аналоглари	октреотид	0,1 мг т/о	А
Серин треонин киназа mTOR ингибитори	эверолимус	10 мг ичишга	А
Ўсмага қарши	сунитиниб	37,5 мг узлуксиз	А

воситалари, протеинтирозинкиназа ингибиторлари		прогрессиягача; 40 мг 4 ҳафта 2 ҳафта танаффус билан узлуксиз прогрессиягача . Қониқарсиз кўтарганда 40 мг 2 ҳафта 2 ҳафта танаффус билан узлуксиз прогрессиягача ичишга.	
Фолий кислота антагонистлари антидоти	Кальция фолинат	200 мг/м ² в/и	А
	натрия фолинат	400 мг/м ² в/и	С
Алкилловчи агент	темозоломид	150 мг/ м ² /сут ичишга	В
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://diseases.medelement.com/disease/%D1%80%D0%B0%D0%BA-%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D1%83%D0%B4%D0%BE%D1%87%D0%BD%D0%BE%D0%B9-%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D0%B5%D0%B7%D1%8B-%D0%BA%D0%BF-%D1%80%D0%BA-2023/17787		

3-жадвал

Қўшимча дори-воситаларнинг рўйхати (фойдаланиш эҳтимоли 100% дан кам):

Фармакотерапевт ик гуруҳ	Дори- воситасининг ХПН	Қўллаш тартиби	Ишончлилик даражаси
Ўсиш факторлари ва уларнинг рецепторларига моноклонал антитаналар	бевацизумаб	7,5-15 мг/кг в/и 3 ҳафтада 1 марта	А
Поли (АДФ-рибоза) полимеразалар инсон ферменти ингибитори (PARP)	олапариб	300 мг, суткада 2 марта, узок вақт	А
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://diseases.medelement.com/disease/%D1%80%D0%B0%D0%BA-%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D1%83%D0%B4%D0%BE%D1%87%D0%BD%D0%BE%D0%B9-%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D0%B5%D0%B7%D1%8B-%D0%BA%D0%BF-%D1%80%D0%BA-2023/17787		

NB! Қўшимча медикаментоз даволаниш ривожланган асоратларни даволаш

протоколларига мувофиқ амалга оширилади.

Босқичлар бўйича консерватив даволаш.

• Чегара резектабел меъда ости беши саратони (Т3-4N0-1M0) билан оғриган беморларда натижаларни кейинги баҳолаш билан операциядан олдинги кимётерапия **тавсия этилади**; салбий динамика бўлмаса, жарроҳлик амалиёти тавсия этилади [45].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

Изоҳ: *индукцион терапиянинг асосий усули кимётерапия ҳисобланади. Кимётерапия схемалари метастатик саратонни даволаш учун тавсифланганларга ўхшаши бўлади.*

• Норезектабел меъда ости беши саратони (Т3-4N0-1M0) билан оғриган беморларда, резектабелликни кейинги қайта баҳолаш билан индукцион терапия **тавсия этилади** [45, 69, 97, 119].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 4)

Изоҳ: *индукцион терапиянинг асосий усули кимётерапия ҳисобланади. Кимётерапия схемалари метастатик саратонни даволаш учун тавсифланганларга ўхшаши бўлади.*

• I-III босқичлардаги (Т1-3N0-1M0) меъда ости беши карциномаларини олиб ташлангандан сўнг, меъда ости беши саратонида, қарши кўрсатмалар бўлмаган тақдирда, барча беморлар учун адъювант кимё терапия **тавсия этилади** [67].

Тавсия ишончилиги даражаси В (далиллар ишончилиги даражаси 3)

Изоҳ: *даволашни операциядан кейин 3 ой ичида бошлаш керак (оптимал 6 ҳафта ичида). Агар операциядан кейинги асоратлар кимётерапияни 3 ой ичида бошлашга имкон бермаса [80], кейинги даврда адъювант кимётерапия мақсадга мувофиқ эмас, динамик кузатув ва касаллик прогрессияланганда даволашни буюриши кўрсатилади. Адъювант кимё терапия давомийлиги 6 ой ҳисобланади [80]. Адъювант кимётерапиянинг энг афзал кўрилган режими mFOLFORINOX режими бўлиб, уни ишлатишга қарши кўрсатмалар бўлганда – GEMCAP комбинацияси ва агар уни ишлатишнинг иложи бўлмаса – #гемцитабином** ёки пиримидин аналоглари билан монотерапия тавсия қилинади (4- жадвал)[67; 72; 80; 101].*

4-жадвал. Меъда ости беши саратонида адъювант кимётерапия режимлари

Кўрсатмалар	Кимё терапия режими
Кимё терапиянинг	mFOLFIRINOX [89]: #оксалиплатин** 85 мг/м ² в/и 120 мин., #ириротекан** 150 мг/м ² в/и 90 мин., # кальция фолинат ** 400 мг/м ² в/и 120 мин., #фторурацил** 2400

<p>оптимал кўлами</p>	<p>мг/м2 в/и инфузия 46 соат давомида, ҳар 2 ҳафтада, жами 12 цикл</p> <p>GEMCAP [101]: #гемцитабин** 1000 мг/м2 в/и томчилаб 30 дақиқа 1-чи, 8-чи ва 15-чи кунлар + #капецитабин** 1660 мг/м2 ичишга ҳар куни 1-чидан 21-чи кунгача ҳар 4 ҳафтада, жами 6 цикл</p>
<p>Кимё терапиянинг минимал кўлами</p>	<p>1) #Гемцитабин** 1000 мг/м2 в/и томчилаб 30 мин. ҳар ҳафта 7 ҳафта, сўнгра 1000 мг/м2 1-чи, 8-чи ва 15-чи кунлар ҳар 4 ҳафтада, жами 6 цикл [74] ёки</p> <p>2) #Капецитабин** 2000-2500 мг/м2/сут. ичишга 1-чидан 14-чи кунгача ҳар 3 ҳафтада, жами 8 цикл [71; 87] ёки</p> <p>3) #фторурацил** 425 мг/м2 в/и болюс + #фолинат кальция** 20 мг/м2 в/и болюс 1-чидан 5-чи кунгача ҳар 4 ҳафтада, жами 6 цикл [71]</p>

1 mFOLFIRINOX фақатгина жарроҳлик давосининг жиддий асоратларисиз ва ҳамроҳ касалликларсиз ECOG 0-1 беморларига тавсия этилади.

Ҳозирги вақтда адъювант нур терапиясининг роли проспектив рандомизацияланган синовларда ўрганилмоқда.

- Метастатик бўлмаган меъда ости бези саратони билан оғриган беморларда умумий давомийлиги камида 6 ой бўлган кимётерапия ўтказиш тавсия этилади [80]*.

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 4)

Изоҳ: операциядан олдин 6 ой давом этадиган кимётерапия, сўнгра жарроҳлик даволаш ўтказилса, операциядан кейинги адъювант терапиясиз динамик кузатув тавсия этилади. Агар операциядан олдинги кимётерапиянинг давомийлиги 6 ойдан кам бўлса, кимётерапиянинг умумий давомийлиги 6 ой бўлиши учун адъювант кимётерапия тавсия этилади.

Кимётерапияни ёмон кўтариш терапияни эрта тўхтатиши учун сабаб бўлиши мумкин.

- Метастатик меъда ости бези саратони билан оғриган беморларда касаллик аломатларини назорат қилиш ва умр кўриш давомийлигини ошириш учун тизимли кимётерепиядан фойдаланиш **тавсия этилади** [52, 57, 88, 110].

Тавсия ишончилиги даражаси В (далиллар ишончилиги даражаси 2)

Изоҳ: меъда ости бези саратонида биринчи қатор кимётерапиянинг тавсия этилган схемалари 5-жадвалда келтирилган. Ҳар қандай кимётерапия режимидан

фойдаланганда, дозани камайтиришига қарамай давом этадиган прогрессияланиш ёки чидаб бўлмайдиган токсикликкача даволанишни давом эттириши тавсия этилади. Кимётерапиянинг биринчи курсини метастатик касаллик аниқлангандан кейин 30 кундан кечиктирмасдан бошлаш керак (агар тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса ва тиббий қарши кўрсатмалар бўлмаса).

5-жадвал. Меъда ости беши саратони I линия кимё терапияси

Кимё терапия режими (даво прогрессиягача/чидаб бўлмас токсикликкача)	Беморларни танлаш мезонлари
<p>FOLFIRINOX [60] (#оксалиплатин** 85 мг/м² в/и 120 мин, #иринотекан** 180 мг/м² в/и 90 мин, #кальция фолинат** 400 мг/м² в/и 120 мин, #фторурацил** 400 мг/м² в/и болюс, #фторурацил** 2400 мг/м² в/и инфузия 46 соат давомида, цикллар орасидаги интервал 14 кун);</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Марказий веноз киришни ўрнатиш имконияти; • #фторурацилни** инфузومات/инфузион помпа ёрдамида икки суткалик инфузияси эҳтимоли; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти
<p>Паклитаксел+альбумин 125 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа + #гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа 28 кунлик циклнинг 1,8,15 кунлари [110]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Статус ECOG 0-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти.
<p>#Гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб 1, 8 кунлар + #дисплатин** 50-75 мг/м² в/и томчилаб 21 кунлик курснинг 1-кунида [64] ёки</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Статус ECOG 0-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси;

<p>#Гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб + #Оксалиплатин** 100 мг/м² в/и томчилаб 120 дақиқа ҳар 2 ҳафтада [68].</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • BRCA герминал ёки соматик мутациясининг мавжудлиги ёки тухумдон саратони, кўкрак беzi саратони ёки меъда ости беzi саратонидан азият чеккан 1-3 даражали 2 ва ундан ортиқ қариндошларининг мавжудлиги
<p>Гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа ҳафтасига 1 марта 7 ҳафта давомида кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, сўнгра 28 кунлик курснинг 1, 8, 15 кунлари [57]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ECOG 2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <3 х меъёрнинг юқори чегараси; • Юқорида айтиб ўтилган режимларга қарши кўрсатмалар

• Адьювант кимётерапия ва/ёки биринчи қатор кимётерепиядан сўнг прогрессияланиш кузатилганда, қониқарли ҳолатда бўлган меъда ости беzi саратони билан оғриган барча беморларга касаллик аломатларини назорат қилиш ва умр кўриш давомийлигини ошириш учун иккинчи қатор кимётерапия тавсия этилади [70, 102].

Тавсия ишончлилиги даражаси В (далиллар ишончлилиги даражаси 3)

Изоҳ: II линия кимётерапия қониқарли ҳолатда бўлган беморларга (ECOG 0-1) ва ўсма жараёнининг тарқалиши билан боғлиқ ўртача ҳолатдаги индивидуал беморларга (ECOG 2) (1 - ва 2 - илова) тавсия этилиши мумкин, агар кимётерапия таъсири бемор умумий ҳолатини яхшиланишига имкон берса. Умумий аҳволи оғир бўлган беморларга фақат симптоматик даволаш тавсия этилади. Агар прогрессия аввалги кимётерапия тугаганидан кейин 6 ойдан ортиқ вақтдан сўнг ривожланган бўлса, худди шу кимётерапия схемасини давом эттириш тавсия этилади. Акс ҳолда, кимётерапияни бошқа дорилар билан бошлаш тавсия этилади. Меъда ости беzi саратони учун иккинчи қатор кимётерепиянинг тавсия этилган схемалари 6-жадвалда умумлаштирилган [54; 62; 73; 85; 117].

6-жадвал. Меъда ости беzi саратони II линия кимё терапияси

<p>Кимё терапия режими (даво прогрессиягача/чидаб бўлмас токсикликкача)</p>	<p>Беморларни танлаш мезонлари</p>
--	---

<p>#Паклитаксел+альбумин 100-125 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа + #Гемцитабин** 750-1000 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа в 28 кунлик курснинг 1, 8, 15 кунлари [99]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилмаган гемцитабин** ва паклитаксел+альбумин; • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти.
<p>#Гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб 1, 8 дни + #цисплатин** 25-50 мг/м² в/и томчилаб 21 кунлик курснинг 1-кунда [60,108] ёки #Гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб + #Оксалиплатин** 85-100 мг/м² в/и томчилаб ҳар 2 ҳафтада [90, 95]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилмаган гемцитабин** ва платина унумлари; • Статус ECOG 0-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • BRCA герминал ёки соматик мутациясининг мавжудлиги или тухумдон саратони, кўкрак беши саратони ёки меъда ости беши саратонидан азият чеккан 1-3 даражали 2 ва ундан ортиқ қариндошларининг мавжудлиги
<p>Гемцитабин** 750-1000 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа ҳафтасига 1 марта 7 ҳафта давомида кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, сўнгра 28 кунлик курснинг 1, 8, 15 кунлари [109, 118]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилмаган гемцитабин**; • ECOG 1-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <3 х меъёрнинг юқори чегараси.
<p>mFOLFIRINOX [59; 105] (#оксалиплатин** 60-85 мг/м² в/и 120 мин, #ириротекан** 120-180 мг/м² в/и 90 мин, #кальция фолинат** 400 мг/м² в/и 120 мин, #фторурацил** 2000-2400 мг/м² в/и инфузия 46 соат давомида, циклар орасидаги интервал 14 кун);</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган гемцитабин**; • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси;

	<ul style="list-style-type: none"> • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Марказий веноз киришни ўрнатиш имконияти; • Инфузомат / инфузион насос ёрдамида икки суткалик фторурацил инфузиясини ўтказиш имконияти; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти.
<p>FOLFOX[86] (#оксалиплатин** 85 мг/м2 в/и 120 дақиқа, #кальция фолинат** 400 мг/м2 в/и 120 дақиқа, #фторурацил** 400 мг/м2 в/и болус, #фторурацил** 2400 мг/м2 в/и инфузия 46 соат давомида, цикллар орасидаги интервал 14 кун);</p> <p>XELOX [53] (#оксалиплатин** 130 мг/м2 в/и 120 дақиқа 1-кун, #капецитабин** 2000 мг/м2/сут ичишга 21 кунлик циклининг 1-14 кунлари);</p> <p>FOLFIRI.3 [96, 112, с. 3] (#иринотекан** 70-90 мг/м2 в/и 60 дақиқа 1-кун, #кальция фолинат** 400 мг/м2 в/и 120 дақиқа 1-кун, #фторурацил** 2000 мг/м2 в/и инфузия 46 соат давомида, #иринотекан** 70-90 мг/м2 в/и 60 дақиқа инфузия тугаганидан сўнг 3-кун #фторурацила**, цикллар орасидаги интервал 14 кун);</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган гемцитабин**; • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги.

<p>CAPIRI [58] (#иринотекан** 200 мг/м2 в/и 90 дақиқа 1-кун, #капецитабин** 1600-2000 мг/м2 ичишга 21 кунлик циклнинг 1-14 кунлари). OFF [75] (#оксалиплатин** 85 мг/м2 в/и 120 дақиқа. 8, 22 кунлар, #кальция фолинат** 200 мг/м2 в/и 30 дақиқа 1,8,15,22 кунлар, #фторурацил** 2000 мг/м2 в/и 24 соат давомида инфузия 43 кунлик циклнинг 1,8,15,22 кунлари</p>	
<p>Пембролизумаб** 200 мг в/и 30 дақиқа. 3 ҳафтада 1 марта [113, 115]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган #гемцитабин**; • ECOG шкаласи бўйича ҳолати 0-2 (1- ва 2- илова); • Ўсманинг микросателлит бекарорлигининг юқори даражаси (MSI-H) ёки жуфтлашмаган асосларни репарация тизимининг етишмаслиги (dMMR).
<p>#Капецитабин** 2000-2500 мг/м2/сут. ичишга 21 кунлик циклнинг 1-14 кунлари[75]; #фторурацил** 375-425 мг/м2 в/и болюс + #кальция фолинат** 20 мг/м2 в/и болюс 28-кунлик циклнинг 1-5 кунлари [56, 100].</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган #гемцитабин**; • Статус ECOG 2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <3 х меъёрнинг юқори чегараси.

Кахексия ҳолатида #мегестролни буюриш тавсия этилади [55, 77] 320-480 мг дозада ичишга суткасига 1 марта, давомийлиги индивидуал равишда белгиланади. III линия кимё терапия фойдаланишини қўллаб-қувватловчи ҳеч қандай маълумот йўқ. III линия кимё терапиядан фойдаланиш бўйича қарор индвидуал ҳал қилинади.

Симптоматик терапия

- Механик сариқлик билан оғриган беморларда билиодигестив жарроҳлик амалиётини ўтказиш холестаза асоратлари мавжуд бўлганда, масалан, фаол холангит билан, билирубиннинг умумий даражаси 250 ммол/л дан юқори, шунингдек шошининч (5-7 кунда) жарроҳлик даволаш мумкин бўлмаганда,

радикал жарроҳликка тайёргарлик кўришнинг биринчи босқичи сифатида **тавсия этилади** [46; 62].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

Изоҳ: обструктив сариқлик билан оғриган беморлар даволанишни консерватив босқичдан бошлашни режалаштирсалар, билиодигестив аралашувларни амалга оширишлари керак. Гипербилирубинемия операциядан кейинги жиддий асоратлар хавфини сезиларли даражада оширмайди ва сафро чиқариш операциялари радикал жарроҳлик даволашни сезиларли даражада ва кўпинча асосиз равишда кечиктиради. Кам инвазив сафро чиқариш учун антеград (тери жигар орқали аралашувлар) ёки ретроград (эндоскопик аралашувлар) киришни амалга ошириш тавсия этилади. Очиқ билиодигестив аралашувлар фақат кам инвазив сафро олиб ташлашнинг самарасиз ёки иложи бўлмаган тақдирда кўрсатилади, радикал жарроҳлик амалиётини ўтказишда иккинчи босқичда реконструкция пайтида қўлланилиши мумкин бўлган айланма анастомозларнинг турларидан фойдаланиш керак (масалан, гепатикоентероанастомознинг шаклланиши; "узун" ичак ҳалқасидан фойдаланиш; оч ичак ҳалқасини йўгон ичакдан олдинга ўтказиш ва ҳоказо.)

- Обструктив сариқлик билан оғриган беморларга сафрони чиқариш мақсадида, агар фақат консерватив терапия режалаштирилган бўлса, билиодигестив аралашувларни ўтказиш **тавсия этилади** [98].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 4)

Изоҳ: ўтти кам инвазив чиқариш антеград (тери жигар орқали аралашувлар) ёки ретроград (эндоскопик аралашувлар) кириш орқали амалга ошириш тавсия этилади. Очиқ билиодигестив аралашувларни амалга ошириш фақат кам инвазив сафро олиб ташлаш самарасиз ёки иложи бўлмаган тақдирда кўрсатилади.

- Меъда ёки ўн икки бармоқли ичакнинг пилорик қисми ўсмаси томонидан сиқилиш ва/ёки инфльтрация натижасида юқори ичак тутилиши бўлган беморларга, агар консерватив босқич даволанишни бошлаш режалаштирилган бўлса, стентлаш ёки айланма анастомозлари шаклланиши шаклида ушбу асоратни зудлик билан ҳал қилиш тавсия этилади [65, 98].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 4)

- Кучли оғриқ синдроми бўлган ва радикал жарроҳлик бажариш мумкин бўлмаган беморларга оғриқнинг ифодаланганлигини камайтириш учун адекват оғриқ қолдирувчи воситаларни буюриш, қорин чигалини блокадаси ёки паллиатив нур терапиясини ўтказиш тавсия этилади [44; 61; 83; 93; 111].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

Изоҳ: қорин чигалининг блокадаси тери орқали ёки эндоскопик усулда амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, нур терапияси аналгетик мақсадларда ҳам қўлланилиши мумкин: стереотактик курс (БМЎД 5 - 6 Гр, ҳафтада 5 марта, СЎД 25 – 30 Гр, атрофдаги критик аъзоларнинг нурланиш миқдорига қараб, уларнинг толерантлигини ҳисобга олган ҳолда) ва конформал нур терапияси (БМЎД 3-4 Гр, ҳафтасига 5 марта, СЎД 30-28 Гр). Беморнинг ҳисобланган даволаш режасини верификация тартиби интензивлик модуляцияланган нур терапияси (IMRT) ёки ротацион нурланиш (RapidArc) дан фойдаланганда нурланиш курси бошланишидан олдин бўлиши керак. Бемор, шунингдек, озриқ синдромини барқарор равишда енгиллаштирадиган аналгетик дориларни қабул қилиши керак.

- Беморларда асцитни даволашда ушбу асоратнинг аломатларини назорат қилиш учун лапароцентез ва диуретикларни қўллаш **тавсия этилади** [104; 106].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 4)

Диетотерапия

Қўлланилмайди.

5) Жарроҳлик аралашуви.

Меъда ости беzi ўсмаларини даволашнинг радикал усули жарроҳлик усули бўлиб, унинг ҳажми жараённинг локализацияси ва тарқалишига боғлиқ.

Меъда ости беzi саратонини жарроҳлик усулда даволаш учун кўрсатма операцияга қарши кўрсатмалар бўлмаса, операбел меъда ости беzi саратони ташхисининг қўйилишидир.

Жарроҳлик давоси. Жарроҳлик амалиётларининг асосий турлари қуйидагилар:

1. Стандарт гастропанкреатодуоденал резекция (субтотал панкреатодуоденэктомия, Whipple амалиёти);

2. Кенгайтирилган гастропанкреатодуоденал резекция (кенгайтирилган субтотал ёки тотал панкреатодуоденэктомия, регионал субтотал ёки тотал панкреатодуоденэктомия);

3. Дистальная (чап томонлама) меъда ости беzi резекцияси;

4. Панкреатэктомия (тотал дуоденопанкреатэктомия);

5. Меъда ости беzi танаси ва думи ўсмасини криодеструкцияси.

Экспертларнинг консенсус гуруҳи жарроҳлик учун беморларни танлашни яхшилаш ва R0 резекцияси эҳтимолини ошириш мақсадида, ўсма резектабеллигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқди. [24,25]. Шунингдек, чегара резектабел меъда ости беzi ўсмаларининг янада қатъий таърифи ҳам тасвирланган [26]. Бунда қон томир инвазияси эҳтимолини аниқлаш учун ўсманинг магистрал

томирлар билан контакт даражаси ва деформация ёки торайиш даражасидан фойдаланади.

Резектабелликни аниқлаш

Резектабеллик статуси	Артерия	Вена
Резектабел	Артерия [қорин пояси (ҚП), юқори тутқич артерияси (ЮТА) ёки умумий жигар артерияси (УЖА)] билан контакт йўқ	Юқори тутқич (ЮТВ) ёки дарвоза венаси (ДВ) билан ўсма алоқасининг йўқлиги ёки томир контурини бузмасдан, контакт $\leq 180^\circ$.
Чегара резектабел	Меъда ости беги бошчаси/илмоқсимон ўсиғи: <ul style="list-style-type: none"> • солид ўсманинг ОЖА билан контакти, ҚП га ёки УЖА бифуркациясига тарқалмаган бўлса, хавфсиз ва тўлиқ резекция ва реконструкцияни таъминлайди; • солид ўсманинг ЮТА билан контакти $\leq 180^\circ$; • солид ўсманинг атипик жойлашган томирлар билан алоқаси (масалан, қўшимча ўнг жигар артерияси, ўнг ёки умумий жигар артериясининг чиқиш вариантлари); бундай ҳолда, агар мавжуд бўлса, ўсма билан алоқа мавжудлиги ва даражасини кўрсатиш керак, чунки бу операция режасига таъсир қилиши мумкин; Меъда ости беги тана/думи: <ul style="list-style-type: none"> • солид ўсманинг ҚЎ билан контакти $\leq 180^\circ$ 	Солид ўсманинг ЮТВ ёки ДВ билан контакти $> 180^\circ$, венанинг нотекис контурли контакт $\leq 180^\circ$ ёки вена тромбози билан, аммо тегишли томирлар билан проксимал ва дистал иштирок этиш жойига, томирни хавфсиз ва тўлиқ резекция қилиш ва қайта тиклашга имкон беради. Солид ўсманинг пастки вена қава (НИП)билан алоқаси
Маҳаллий тарқалган	Меъда ости беги бошчаси/илмоқсимон ўсиғи: <ul style="list-style-type: none"> • солид ўсманинг ЮТА ёки ҚП билан контакти $> 180^\circ$ Меъда ости беги тана/думи: <ul style="list-style-type: none"> • солид ўсманинг ЮТА ёки ҚП билан контакти $> 180^\circ$; • солид ўсманинг ЮТА ёки ҚП билан контакти ёки аортанинг зарарланиши 	Ўсманинг билан зарарланганлиги ёки окклюзияси (ўсма ёки тромб сабабли) сабабли ЮТВ/ПВнинг реконструкцияси истиқболининг йўқлиги

Операциядан олдинги даволаш курсларини ўтказгандан сўнг, жарроҳлик давоси тўғрисида қарор мулътдисциплинар гуруҳ томонидан қабул қилиниши керак. Жарроҳлик давоси фақат узоқ метастазлар бўлмаганда тавсия этилади. Ўсманинг изоляцияланган маҳаллий прогрессияланишида жарроҳлик амалиёти тўғрисида қарор ихтисослашган марказда индивидуал равишда қабул қилинади. Неoadъювант даволашдан ўтган чегара резектабел карциномали беморларда жарроҳлик фақат прогрессиянинг инструментал белгилари бўлмаган тақдирда тавсия этилади. Меъда ости беши бош қисмининг чегаравий резектабел ўсмаларида инфилтрацияни артериал томирлар атрофида 180 даражадан кам бўлиши лапаротомияга мутлақ қарши кўрсатма эмас.

Барча меъда ости беши жарроҳлик амалиётлари учун стандарт кириш ўрта лапаротомия ҳисобланади. Меъда ости беши бош қисмининг ўсмаларида, гастропанкреатодуоденал резекция қилиш керак. Меъда ости беши танаси ёки думи ўсмаларида, меъда ости безининг дистал субтотал резекцияси, шу жумладан танани, безининг думини, шунингдек талоқни олиб ташлаш керак. Агар карцинома меъда ости безининг барча қисмларини зарарлаган бўлса, тотал панкреатэктомия қилиш тавсия этилади.

Меъда ости беши бош қисми саратонида лимфадиссекциясининг стандарт ҳажми қуйидаги лимфа тугунларини олиб ташлашни ўз ичига олади: жигар артерияси ва қорин пояси бўйлаб пилорус усти ва пилорус ости лимфа тугунлари, умумий ўт йўллари бўйлаб лимфа тугунлари, ўт пуфаги йўли ва портал вена, ретропанкреатик лимфа тугунлари, меъда ости беши бош қисмининг пастки четидаги лимфа тугунлар, юқори мезентериал артериянинг ўнг ярим доира бўйлаб лимфа тугунлари, меъда ости беши бош қисмининг юқори четидаги лимфа тугунлари. Меъда ости беши бош қисми саратонида юқори тутқич артериясининг ўнг ярим доираси бўйлаб тўқима ва нерв чигалларини кесиб олиш тавсия этилади.

Меъда ости беши танаси ва думининг карциномаларидв, лимфа тугунларининг қуйидаги гуруҳларини олиб ташлаш тавсия этилади: талоқ дарвозасининг лимфа тугунлари, талоқ артерияси бўйлаб лимфа тугунлари, меъда ости безининг пастки четидаги лимфа тугунлари, умумий жигар артерияси бўйлаб. ва қорин пояси бўйлаб жойлашган. юқори тутқич артериясининг чап ярим доираси бўйлаб жойлашган, шу артерия бўйлаб ўрта йўғон ичак лимфа тугунлари. Стандарт лимфаденэктомия камида 12 та лимфа тугунларини олиб ташлашни ўз ичига олиши керак. Кенгайтирилган лимфаденэктомия қиёсий тадқиқотларда ҳеч қандай афзалликларни кўрсатмади ва бугунги кунда уни қўллаш тавсия этилмайди. МОБ саратони бўйича операцияларни лапароскопик усулда бажариш имкониятлари бўйича кўплаб тадқиқотлар, анъанавий аралашувлар билан жарроҳлик ва онкологик натижаларни самарадорлиги таққосланарли эканлигини кўрсатди. Шу муносабат билан, улар бундай аралашувлар катта тажрибага эга марказларида

лапаротомия кириш билан стандарт операциялар учун муқобил сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Appleby амалиёти (қорин пояси резекцияси билан меъда ости безини дистал резекцияси) фақат операциядан олдинги ХТ ёки ХНТдан сўнг стабилизация ёки қисман жавоб бериш фониди, бундай аралашувларда тажрибага эга мутахассислар иштирокида ихтисослашган клиникаларда қўлланилиши мумкин.

Резектабел ўсмаларда дастлабки жарроҳлик даволаш стандарти бўлиб қолмоқда [27]. Стандарт лимфаденэктомия ≥ 16 тугунни олиб ташлашни ўз ичига олиши керак ва (S5 жадвал Annals of Oncology сайтида онлайн мавжуд [28]). ISGPS лимфаденэктомияни кенгайтиришни тавсия этмайди [29]. Лимфа тугунларнинг кўплаб қисмини олиб ташлашнинг яшовчанликка таъсири ҳақида рандомизацияланган тадқиқотларда далиллар йўқ [30].

CA19-9 резектабел меъда ости беги саратонида жарроҳликни қўллашни чеклаши мумкин эмас [31]. Хавфсиз панкреатодуоденэктомия билирубин даражаси 128 ммол/л бўлганда тавсия қилинади [32]. МОБнинг жарроҳлик диссекция текисликларига нисбатан анатомик ҳолати шуни англатадики, оптимал резекция усулларидан фойдаланишга қарамай, олиб ташланган жойларнинг кўпчилигида резекция четидан 1 мм масофада намуналарнинг бир ёки бир нечта юзасида ётган саратон ҳужайралари бўлади [33-35].

NB! Операциядан кейинги материалда нафақат меъда ости безининг кесма чизиғини, балки қорин парда орти бўшлиқ билан алоқа қиладиган жойларни ҳам текшириш керак [33-35].

Босқичлар бўйича даволаш:

- I–III босқич (T1-3N0-1M0) резектабел меъда ости беги саратони билан оғриган беморларда биринчи босқичда жарроҳлик даволаш ёки операциядан олдинги кимётерапия тавсия этилади [47; 48; 79; 81; 103].

Тавсия ишончлилиги даражаси В (далиллар ишончлилиги даражаси 3)

Изоҳ: меъда ости беги саратони I-III босқичларида 3-6 ой давом этган операциядан олдин кимётерапия билан беморларнинг даволаш бошлаш афзал [79]. Операциядан олдинги кимётерапия усуллари жадвалда келтирилган. Кимётерапия билан даволашнинг бошланиши таъхисни морфологик верификацияси мақсадида морфологик текшириш учун ўсма биопсиясини ўтказиш ва сафро чиқариш процедураларини зарурлигини ўз ичига олганлиги сабабли, техник қийинчиликлар билан бирга бўлиши мумкин ва шу сабабли, алтернатива биринчи босқичда операция қилишдир.

- Чегара резектабел ва норезектабел меъда ости беги саратони (T3-4N0-1M0) билан оғриган беморларда операциядан олдинги ва индукцион кимётерапияни

ўтказиш тавсия этилади ва кейинчалик беморларни резектабелликни қайта баҳолаш учун ушбу касалликни даволашда катта тажрибага эга бўлган йирик марказларга юбориш **тавсия этилади**. [49].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

- Агар беморда меъда ости беши бош қисми саратони бўйича операция пайтида бу жараён норезектабел деб тан олинса ва яқин келажақда ичак тутилиши ва/ёки механик сариқлик хавфи мавжуд бўлса, механик сариқлик ва юқори меъда-ичак трактининг стенози олдини олиш учун айланма анастомозларини шакллантириш **тавсия этилади** [44; 107].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

- Жарроҳлик аралашувни истисно қиладиган оғир ҳамроҳ касалликлар бўлган меъда ости беши саратони билан оғриган беморларга паллиатив дори-дармонлар билан даволаш, сариқлик ёки юқори ингичка ичак тутилишининг аломатларини енгиллаштириш учун кам инвазив муолажалар (масалан, тери жигар олрқали холангиостомия, умумий ўт йўлини стентлаш, ўн икки бармоқли ичакни стентлаш), шунингдек симптоматик даволаш **тавсия этилади** [44; 107].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

Изоҳлар: *жарроҳлик давосининг мумкин эмаслиги тўғрисида қарор фақат жарроҳ, умумий амалиёт шифокори, анестезиолог ва интенсиф терапия шифокори иштирокидаги консилиумда қабул қилиниши мумкин.*

- Ўсма меъда ости безининг бош қисмида жойлашган беморларга гастропанкреатодуоденал резекция амалга ошириш **тавсия этилади** [44; 47].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

Изоҳ: *лимфа диссекциянинг стандарт ҳажми қуйидаги лимфа тугунларини олиб ташлашни ўз ичига олади: пилорусдан юқориги ва пилорусдан пастки лимфа тугунлари, жигар артерияси бўйлаб лимфа тугунлари ва қорин пояси шохлари билан, умумий ўт йўли бўйлаб лимфа тугунлари, ўт пуфаги йўли атрофидаги лимфа тугунлари, ретропанкреатик лимфа тугунлари, меъда ости беши бош қисми пастки чеккаси бўйлаб лимфа тугунлари, юқори тутқич артериясининг ўнг ярим доираси бўйлаб лимфа тугунлари, меъда ости беши бошининг юқори чети бўйлаб лимфа тугунлари. Магистрал томирларга ўсма инвазияси бўлмаса ва жарроҳ етарли тажрибага эга бўлса, амалиёт лапароскопик кириш билан амалга оширилиши мумкин.*

- Карцинома меъда ости беши танасида ёки дум қисмида локализацияланган беморларда меъда ости безининг дистал субтотал резекциясини, яъни танасини, безнинг думини, шунингдек талоқни олиб ташлаш тавсия этилади [44; 48].

Тавсия ишончилиги даражаси С (далиллар ишончилиги даражаси 5)

Изоҳ: агар техник жиҳатдан иложи бўлса ва жарроҳ етарли тажрибага эга бўлса, амалиётни лапароскопик кириш билан амалга ошириш мумкин. Лимфа тугунларининг қуйидаги гуруҳларини олиб ташлаш тавсия этилади: талоқ дарвозасининг лимфа тугунлари, талоқ артерияси бўйлаб лимфа тугунлари, меъда ости безининг пастки четидаги лимфа тугунлари.

• Меъда ости безининг барча қисмлари карциномаси бўлган беморларда беморнинг яшовчанлигини ошириш учун тотал панкреатэктомиyani бажариш тавсия этилади [44; 50].

Тавсия ишончлилиги даражаси С (далиллар ишончлилиги даражаси 5)

• Меъда ости беzi саратони билан оғриган беморларга жарроҳлик пайтида тиббий қарши кўрсатмалар бўлмаса, антибактериал дори воситалари билан инфекцион асоратларнинг профилактикаси тавсия этилади [91].

Тавсия ишончлилиги даражаси С (далиллар ишончлилиги даражаси 4)

Изоҳ: антимикроб дориларни танлашни даволовчи шифокор ҳар бир бемор учун унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида белгилаши керак

6) Кейинги даволаш:

Кузатиш, текширувларнинг муддати ва кўлами.

Кузатув:

- биринчи йил – 3 ойда 1 марта;
- иккинчи йил – 6 ойда 1 марта;
- кейинчалик, ҳаёт давомида – йилига 1 марта.

Кузатув кцлами:

- фиброгастроскопия;
- Қорин бўшлиғи, қорин парда орти УТТси, КТ/МРТси;
- ўпкаларни рентген текшируви;
- периферик лимфа тугунлари УТТси, тўғри ичакни бармоқ билан текшириш, гинеколог кўриги (аёлларда);
- қон умумий таҳлили;
- СА 19-9 онкомаркери;
- ПЭТ-КТ.

Кўрсатмаларга кўра: фиброколоноскопия, ирригоскопия, ангиография, скелет суякларини сцинтиграфияси.

б) Протоколда келтирилган ташхислаш ва даволаш усулларининг хавфсизлиги ҳамда даволаш самарадорлиги индикаторлари:

- асоратлар бўлмаганда ва амалиётдан кейинги жароҳат битганда умумий аҳволи қониқарли бўлиши;
- клиник ва/ёки визуал текширув усуллари ёрдамида олинган жараённинг прогрессияланиш белгиларининг йўқлигини, шунингдек беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашни кўрсатадиган маълумотлар.

Критерии эффективности лечения:

Тўлиқ самара - бу камида 4 ҳафта давомида барча ўчоқларнинг йўқолиши.

Қисман самара - бошқа ўчоқлари прогрессиянинг йўқлигида барча ёки алоҳида ўсмаларнинг 50% ёки ундан кўп кичрайиши ҳисобланади.

Стабилизация - (ўзгаришсиз) бошқа янги ўчоқлар пайдо бўлмаган ҳолда, ўсманинг 50% дан кам кичрайиши ёки 25% дан кам катталашиши.

Прогрессия - бир ёки бир нечта ўсмалар ўлчамларининг 25% дан кўп катталашиши ёки янги шикастланиш ўчоқларининг пайдо бўлиши.

**«МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИ»
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТИББИЙ
АРАЛАШУВЛАР МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

- ХКТ-10 код (лар) и:

Код	Номланиши
C25.0	– Меъда ости бези бош қисми саратони
C25.1	– Меъда ости бези тана қисми саратони
C25.2	– Меъда ости бези дум қисми саратони
C25.3	– Меъда ости бези йўли саратони
C25.7	– Меъда ости бези бошқа қисмлари саратони
C25.8	– Юқорида айтиб ўтилган локализациялардан бир ёки бир нечтасидан ташқарига чиқадиган меъда ости безининг ҳавфли ўсмаси
C25.9	– Меъда ости безининг ҳавфли ўсмаси, аниқлаштирилмаган

Юклаб олиш (ХКТ-10 дан ҳавола): <https://mkb-10.com/index.php?pid=1142>

- ХКТ-11 код (лар) и:

Код	Номланиши
2C10	– Меъда ости безининг ҳавфли ҳосиласи
2C10.0	– Меъда ости бези аденокарциномаси
2C10.1	– Меъда ости безининг нейроэндокрин ҳосилалари
2C10.Y	– Меъда ости безининг бошқа аниқланган ҳавфли ҳосилалари
2C10.Z	– Аниқланмаган меъда ости бези ҳавфли ҳосиласи
2E92.8	– Меъда ости безининг ҳавфсиз ҳосиласи
2D81	– Меъда ости безига ҳавфли ҳосилалар метастазлари

Юклаб олиш (ХКТ-11 дан ҳавола): <https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#2009008947>

1. Асосий қисм.

Кириш (фойдаланилган манбаъга ҳавола:

https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=13):

Меъда ости бези саратони - безли тўқима ёки меъда ости бези йўлларида келиб чиққан ҳавфли ўсма ҳисобланади [1].

Халқаро Саратонни ўрганиш Агентлиги – GLOBOCAN маълумотларига кўра, 2022 йилда меъда ости бези саратонининг жами 510 992 янги ҳолати аниқланган ва ушбу саратондан 467 409 киши вафот этган.

Меъда ости бези ҳавфли ўсмалари икки гуруҳга бўлинади: экзокрин қисм (95% ҳолларда) ва эндокрин қисм (5% ҳолларда). Камдан кам ҳолларда мезенхимал

ўсмалар ва лимфомалар учрайди. Ушбу тавсиялар фақат меъда ости беши экзокрин қисмининг карциномаларига бағишланган.

Меъда ости беши саратони билан оғриган беморларнинг 10 фоизида касалликнинг ривожланиши маълум ирсий синдромларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Энг кенг тарқалган Пейтц–Егерс синдроми, Линч синдроми ва BRCA ген мутациялари билан боғлиқ кўкрак беши ва тухумдонлар саратонининг мерос синдроми ҳисобланади [38]. Бошқа беморларда меъда ости беши саратони спорадик ҳисобланади. Ушбу патологиянинг ривожланиши учун қуйидаги хавф омиллари ҳисобга олинади: D3 витамини етишмовчилиги, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, сурункали панкреатит, қандли диабет, чекиш, семириш, кам жисмоний фаоллик [36, 40, 43].

Меъда ости беши саратони патогенези кетма-кет уч босқичга бўлинади. Ўсма инициация босқичи биринчи драйвер мутациясининг пайдо бўлишидир. Клонал тарқалиш ва метастазланиш босқичи мос равишда ушбу касалликнинг патогенезидаги иккинчи ва учинчи босқичлардир [42]. Бироқ, метастаз жараёни канцерогенезнинг якуний босқичи бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида маълумот тўпланмоқда [37]. Ўсма хужайралари канцерогенезнинг нисбатан эрта босқичларида метастазланиш қобилиятига эга бўлади ва узоқ аъзоларда бирламчи ўсмадан мустақил эволюцияланишда давом этади [39].

Саратон олди касалликларига панкреатик интраэпителиал неоплазиялар (ПанИн, PanIN), интрадуктал папилляр муциноз ўсмалари (ВПМО, IPMN) ва муциноз кистоз ўсмалари (МКЎ) киради. Меъда ости беши эпителийсининг хавфли трансформацияси жараёнида асосий генларнинг мутациялари тўпланади. Кўпинча инициал мутация KRAS генида бўлади. Кейинчалик, саратон олди касалликларини енгил дисплазиядан инвазив саратонгача бўлган кўлини белгилаб берувчи CDKN2, TP53, SMAD4/DPC4 и BRCA2 генларида мутациялар пайдо бўлади. Строма ва микроРНК компонентлари ўсманинг прогрессиясида муҳим рол ўйнайди [41].

Меъда ости беши саратонини (МОБС) даволаш тактикаси панкреатобилиар жаррох, нур диагности, дори ва нур терапияси бўйича мутахассисларнинг мажбурий иштирокида дисциплиналар аро онкологик консилиумда аниқланиши керак.

РИОваРИАТМ статистик маълумотларига кўра, 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида меъда ости беши саратони учраши бўйича саратон касалликлари ичида 13-ўринни эгаллади (эркакларда 2,9%, аёлларда 2,0%) ва 100 минг аҳолига нисбатан 1,7 тани ташкил этади. 2022 йилда биринчи марта МОБС билан касалланган жами 625 бемор аниқланди. Улардан фақатгина 4,5% ҳолатлар профилактик текширувлар пайтида фаол равишда аниқланган. МОБС морфологик тасдиқланган ташхиси бўлган беморларнинг улуши 72,8% ни ташкил қилади. Касалликнинг I босқичида 0,6%, II босқичида 18,2%, III босқичида 41,1% ва IV

босқичида 33,9% ҳолатлар аниқланган. Беморларнинг 6,1 фоизида касалликнинг босқичини аниқлаб бўлмади. 2023 йил бошида диспансер назорати остида меъда ости бези саратони билан касалланган 1201 бемор бор эди ва касалмандлик 100 минг аҳолига 3,3 ни ташкил этди. Республикада МОБС билан 5 йиллик яшовчанлик даражаси 19,4% ва 1 йиллик ўлим даражаси 34,5% ни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда 438 бемор меъда ости бези саратонидан вафот этди, бу 100 минг аҳолига 1,2 ўлимни ташкил этади ва 10-ўринни эгаллайди.

2. Мазкур нозологияда танланган тиббий муолажа ва/ёки жарроҳлик амалиётининг қўлланилиши тартиби.

1) Муолажа ёки аралашувнинг мақсади:

- ўсма ўсишини стабиллаштириш ва оғир ҳамроҳ симптомларни бартараф этиш учун ўсма жараёнининг тўлиқ ёки қисман регрессиясига эришиш ва паллиатив даволаниш мақсадида жарроҳлик усули, кимётерапия ва/ёки нур терапияси ўказилади.

2) Муолажа ёки аралашувга қарши кўрсатмалар:

- беморнинг оғир ҳолати – ECOG III–IV;
- фаол босқичдаги туберкулез;
- декомпенсация босқичидаги ҳамроҳ касаллик;
- ўткир кечиктириб бўлмайдиган ғолатлар (миокард инфаркти, инсульт);
- септик ҳолатлар;
- қон кетиш хавфи билан, парчаланиш босқичидаги ўсмалар (нур терапия учун);
- психорган касалликлар (шизофрения, кучли тутқаноқ синдроми билан эпилепсия);
- Беморнинг Карновский шкаласи бўйича 60%дан кам бўлган оғир ҳолати.
- Декомпенсация босқичидаги ҳамроҳ касалликлар.

3) Муолажа ёки аралашувга кўрсатмалар:

- жарроҳлик даволаш ёки биопсиядан кейин ташхисни мажбурий морфологик текшириш билан ҳар қандай босқичдаги меъда ости бези саратонининг мавжудлиги;
- жарроҳлик даволаш ёки очик биопсиядан сўнг ташхисни морфологик тасдиқлаш билан иккиламчи (метастатик ёки бирламчи аниқланган ўчоқсиз) ўсманинг мавжудлиги ёки метастазнинг морфологик тасдиғининг йўқлиги,

аммо меъда ости беши саратонининг асосий ўчоғининг гистологик текшируви мавжудлиги.

Кимё ва/ёки нур терапия куйидаги мақсади ўтказилади:

- Ўсма хужайралари йўқ қилиш;
- Ўсма ўлчамларини кичрайтириш, уни ўсишдан тўхтатиш;
- МОБ саратони рецидивини бартараф этиш;
- Даволашнинг асосий усули сифатида у бутун танага таъсир қиладиган тизимли хавфли ўсмалар, шу жумладан, меъда ости беши саратони учун кўрсатма ҳисобланади. Мутахассислар препаратнинг дозасини диққат билан танлайдилар: агар у жуда кичик бўлса, даволаниш самарадорлиги камайди, агар у юқори бўлса, ножўя таъсирлар хавфи ортади.

Жарроҳлик даволаш тамойиллари

Жарроҳлик аралашувлари турлари:

Меъда ости беши ўсмаларини даволашнинг радикал усули жарроҳлик усули бўлиб, унинг кўлами жараённинг локализацияси ва тарқалишига боғлиқ.

Меъда ости беши саратонини жарроҳлик давоси учун кўрсатма операцияга қарши кўрсатмалар бўлмаса, операбел меъда ости беши саратони ташхисини қўйилишидир.

Жарроҳлик давоси. Жарроҳлик амалиётларининг асосий турлари куйидагилар:

1. Стандарт гастропанкреатодуоденал резекция (субтотал панкреатикодуоденэктомия, Whipple операцияси);
2. Кенгайтирилган гастропанкреатодуоденал резекция (кенгайтирилган субтотал ёки тотал панкреатикодуоденэктомия, регионал субтотал ёки тотал панкреатикодуоденэктомия);
3. меъда ости безини дистал (чап томонлама) резекцияси;
4. Панкреатэктомия (тотал дуоденопанкреатэктомия);
5. меъда ости беши танаси ва думи ўсмасини криодеструкцияси.

Жарроҳлик усулида даволашга кўрсатмалар:

- Меъда ости безининг гистологик тасдиқланган операбел ва резектабел ҳавфли ўсмалари;

Резектабелликни аниқлаш

Резектабеллик статуси	Артерия	Вена
Резектабел	Артерия [қорин пояси (ҚП), юқори тутқич артерияси (ЮТА) ёки умумий жигар артерияси (УЖА)] билан контакт йўқ	Юқори тутқич (ЮТВ) ёки дарвоза венаси (ДВ) билан ўсма алоқасининг йўқлиги ёки томир контурини бузмасдан, контакт $\leq 180^\circ$.
Чегара резектабел	<p>Меъда ости беги бошчаси/илмоқсимон ўсиғи:</p> <ul style="list-style-type: none"> • солид ўсманинг ОЖА билан контакти, ҚП га ёки УЖА бифуркациясига тарқалмаган бўлса, хавфсиз ва тўлиқ резекция ва реконструкцияни таъминлайди; • солид ўсманинг ЮТА билан контакти $\leq 180^\circ$; • солид ўсманинг атипик жойлашган томирлар билан алоқаси (масалан, қўшимча ўнг жигар артерияси, ўнг ёки умумий жигар артериясининг чиқиш вариантлари); бундай ҳолда, агар мавжуд бўлса, ўсма билан алоқа мавжудлиги ва даражасини кўрсатиш керак, чунки бу операция режасига таъсир қилиши мумкин; <p>Меъда ости беги тана/думи:</p> <ul style="list-style-type: none"> • солид ўсманинг ҚЎ билан контакти $\leq 180^\circ$ 	Солид ўсманинг ЮТВ ёки ДВ билан контакти $> 180^\circ$, венанинг нотекис контурли контакт $\leq 180^\circ$ ёки вена тромбози билан, аммо тегишли томирлар билан проксимал ва дистал иштирок этиш жойига, томирни хавфсиз ва тўлиқ резекция қилиш ва қайта тиклашга имкон беради. Солид ўсманинг пастки вена қава (НИП) билан алоқаси
тасдиқланган ташхиси бўлган беморларнинг улуши 72,8% ни ташкил қилади. Касалликнинг I босқичида 0,6%, II босқичида 18,2%, III босқичида 41,1% ва IV босқичида 33,9% ҳолатлар аниқланган. Беморларнинг 6,1 фоизида касалликнинг босқичини аниқлаб бўлмади. 2023 йил бошида диспансер назорати остида меъда ости беши саратони билан касалланган 1201 бемор бор эди ва касалмандлик 100 минг аҳолига 3,3 ни ташкил этди. Республикада МОБС билан 5 йиллик яшовчанлик даражаси 19,4% ва 1 йиллик ўлим даражаси 34,5% ни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда 438 бемор меъда ости беши саратонидан вафот этди, бу 100 минг аҳолига 1,2 ўлимни ташкил этади ва 10-ўринни эгаллайди.

Меъда ости беши саратонини паллиатив даволаш беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, асосий касаллик билан курашиш усулларининг имкониятлари деярли тугаганида ва тўлиқ даволаниш эҳтимоли минимал бўлганида унинг аҳолини енгиллаштиришга қаратилган. Етарли ва ўз вақтида паллиатив ёрдам касал инсонга бир неча кўшимча ҳаёт йилларини бериши мумкин. Бу беморларнинг 60% дан кўпроғида сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, 25-30% эса кузатилган прогрессни муҳим деб тавсифлаш мумкин.

3) Таснифи

Халқаро гистологик тасниф (ЖССТ таснифи, 5-нашр, 2019 й.):

Эпителиал ўсмалар:

Хавфсиз

Ацинар хужайрали цистаденома

Сероз цистаденома

Меъда ости безининг хавфли олди ўзгаришлари

3-даражали панкреатик интраэпителиал неоплазия (PanIN-3)

Интрадуктал папилляр муциноз ўсма, енгил ёки ўртача ифодаланган дисплазия билан

Интрадуктал папилляр муциноз ўсма оғир дисплазия билан

Интрадуктал тубулопапилляр ўсма

Муциноз кистоз ўсма, енгил ёки ўртача ифодаланган дисплазия билан

Муциноз кистоз ўсма оғир дисплазия билан

Хавфли

Дуктал аденокарцинома

Адено-ясси хужайрали саратон

Коллоид саратон (муциноз нокистоз саратон)

Гепатоид саратон

Медулляр саратон

Узуксимон хужайрали саратон

Дифференциаллашмаган саратон

Остеокластсимон гигант хужайрали дифференциаллашмаган саратон

Ацинар-хужайрали карцинома

Ацинар-хужайрали цистаденокарцинома

Инвазив юқори-, ўрта-, паст дифференциаллашган дуктал аденокарцинома билан ассоциацияланган интрадуктал папилляр муциноз ўсма

Аралаш ацинар-дуктал саратон

Аралаш ацинар-нейроэндокрин саратон

Аралаш ацинар-нейроэндокрин-дуктал саратон

Аралаш дуктал-нейроэндокрин саратон

Инвазив юқори-, ўрта-, паст дифференциаллашган дуктал аденокарцинома билан ассоциацияланган муциноз кистоз ўсма

Панкреатобластома

Сероз цистаденокарцинома

Солид-псевдопапилляр ўсма

Меъда ости безининг экзокрин қисмидан келиб чиқадиган хавфли ўсмаларга қуйидаги гистологик субтиплар киради:

- дуктал аденокарцинома (85–90%)
- инвазив аденокарцинома билан ассоцияланган интрадуктал папилляр муциноз ўсма (2–3%)
- инвазив аденокарцинома билан ассоцияланган муциноз кистозная ўсма (1%)
- солид псевдопапилляр ўсма (< 1%)
- ацинар-хужайрали карцинома (< 1%)
- панкреатобластома (< 1%)
- сероз цистаденокарцинома (< 1%).

Таснифлаш фақат меъда ости беги саратони учун қўлланилади. Ташхисни гистологик, цитологик тасдиқлаш, МРМ хулосаси бўлиши керак.

Анатомик соҳалар:

1. Меъда ости беги бош қисми.

2. Меъда ости бези тана қисми.
3. Меъда ости бези дум қисми.
4. Панкреатик йўл.
5. Регионар лимфа тугунлар.

Меъда ости бези регионар лимфа тугунларига қуйидагилар киради:

- Юқориги: бош ва тана қисмидан юқоридаги.
- Пастки: бош ва тана қисмидан пастдаги.
- Олдинги: олдинги панкреатодуоденал, пилорик ва проксимал мезентериал.
- Орқа: орқа панкреатодуоденал, умумий ўт йўли атрофи ва проксимал мезентериал.

Талок: талок дарвозаси ва меъда ости бези думи соҳасидаги. Алдоҳида метастазлар кўпроқ жигарда, парааортал ва чап ўмров усти лимфа тугунларида (Вирхов) жойлашади.

Меъда ости безини TNM тизими бўйича босқичлаш (8-нашр)

Бирламчи ўсма (T):

T_x – бирламчи ўсмани баҳолаш учун маълумотлар етишмайди,

T_{is} – carcinoma in situ,

T₁ – ўсма меъда ости бези билан чегараланган, энг катта ўлчами 2 см,

T_{1A} – ўсма энг катта ўлчами 0,5 смгача,

T_{1B} – ўсма 0,5 смдан катта, лекин энг катта ўлчами 1,0 смдан катта эмас,

T_{1C} – ўсма 1,0 смдан катта, лекин энг катта ўлчами 2,0 смдан катта эмас,

T₂ – ўсма меъда ости бези билан чегараланган, энг катта ўлчами 2 смдан катта, лекин энг катта ўлчами 4,0 смдан катта эмас,

T₃ – энг катта ўлчами 4 смдан катта ўсма,

T₄ – ўсма қорин поясига, юқори тутқич ёки умумий жигар артериясига тарқалган.

Регионар лимфа тугунлари (N):

N_X – регионар лимфа тугунларини баҳолаш учун маълумотлар етарли эмас,

N₀ – регионар лимфа тугунларининг метастазланиши белгилари йўқ,

N₁ – 1-3 регионар лимфа тугунларида метастазлар бор,

N₂ – 4 ва ундан кўп регионар лимфа тугунларида метастазлар бор.

Операциядан кейинги адекват босқичлаш камида 12 лимфа тугунларини морфологик текширишни ўз ичига олади.

Меъда ости беги бош қисми ўсмалари учун регионар лимфа тугунларига умумий ўт йўллари бўйлаб лимфа тугунлари, умумий жигар артерияси, портал вена, орқа ва олдинги панкреатодуоденал аркадалар, юқори тутқич венаси ва юқори тутқич артериясининг ўнг латерал девори бўйлаб жойлашган лимфа тугунлар киради. Меъда ости беги танаси ва думининг ўсмалари учун регионар лимфа тугунларига умумий жигар артерияси, қорин пояси, талоқ артерияси, талоқ дарвозаси бўйлаб лимфа тугунлари, шунингдек ретроперитонеал ва латерал аортал лимфа тугунлари киради. AJCC ва UICC версиялари бўйича TNM 8 нашрларини таснифлашда регионар лимфа тугунларини тавсифлашда принципиал тафовутлар мавжуд, шу билан бирга, UICC да латерал аортал лимфа тугунлари регионар деб таснифланган ишларга ҳаволалар йўқ. Беморни даволаш режасини тузишда ушбу маълумотни ҳисобга олиш керак.

М — Узоқ метастазлар.

- M0 Узоқ метастазлар йўқ.
- M1 Узоқ метастазлар бор.

pTNM патогистологик тасниф.

- pT, pN, pM мезонларини аниқлаш учун талаблар T, N, M мезонларини аниқлаш учун талабларга мос келади.
- G – гистопатологик дифференциация.
- GX –дифференциация даражасини белгилаш мумкин эмас.
- G1 – юқори дифференциация даражаси.
- G2 – ўрта дифференциация даражаси.
- G3 – паст дифференциация даражаси.
- G4 – дифференциаллашмаган саратон.

Босқичлар бўйича гуруҳлаш:

Босқич	T	N	M
0 босқич	Tis	N0	M0
IA босқич	T1	N0	M0
IB босқич	T2	N0	M0

IIA босқич	T3	N0	M0
IIB босқич	T1	N1	M0
	T2	N1	M0
	T3	N1	M0
III босқич	T1	N2	M0
	T2	N2	M0
	T3	N2	M0
	T4	N ҳар қандай	M0
IV босқич	Ҳар қандай T	N ҳар қандай	M1

2. Диагностика ва даволаш усуллари, ёндашувлари ва тартиблари:

1) Паллиатив ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизиш кўрсатмалари;

- Паллиатив кимётерапия, таргет даволаш, нур терапия ва даволаш бошқа турларини ўтказиш;
- Лимфа тугунининг/экстранодал ҳосиладан бирламчи ёки такрорий биопсиясини ўтказиш ёки трепанобиопсия;
- Амбулатория терапияси билан тuzатилмаган асоратларни даволаш;
- Симптоматик даволаш ўтказиш.

2) Паллиатив ёрдам кўрсатиш учун касалхонага ётқизиш шарт-шароитлари.

- Паллиатив кимётерапия, таргет даво, нур терапия ва даволаш бошқа турларини ўтказиш муддатининг келиши;
- Ҳаёт учун хавф солувчи ҳолатларнинг бўлиши;

3. Диагностика мезонлари (синдромнинг ишончли белгиларининг тавсифи):

1) Шикоятлар ва анамнез:

Меъда ости беши саратонининг клиник кўринишидаги типик аломатлар: оғриқ, сариқлик, тери қичишиши, вазн йўқотиш, иштаҳанинг пасайиши, иситма ҳисобланади.

- **Оғриқ** энг кенг тарқалган аломат бўлиб, беморларнинг 70-85 фоизида кузатилади. Оғриқ кўпинча ўсма томонидан нерв пояларига ўсиб ўтиш ёки сиқилиши натижасида юзага келади, камроқ ўт йўлининг ёки вирсунг каналининг

тиқилиб қолиши ёки бирга келадиган панкреатитнинг хуружи туфайли перитонеал белгилар туфайли юзага келади. Бошча қисми саратонида оғриқ ўнг гипогастрал ёки эпигастрал соҳада сезилади, тана ва дем қисми саратонида чап қовурға ости ва эпигастрал соҳада оғриқ билан тавсифланади. Аммо ўнг қовурға остида оғриқ ҳислар билан ўзини намоён қилиши ҳам мумкин. Диффуз шикастланиш қориннинг юқори ярмида диффуз оғриқ билан тавсифланади. Баъзи беморларда оғриқ бир жойда локализация қилинади. Бошқаларида у умуртқа поғонасига ёки кураклар аро соҳага, камроқ ўнг елкага тарқалади. Вирсунг каналини тўсиб қўядиган ва панкреатит билан кечадиган ўсмаларда хуружсимон камарсимон оғриқ пайдо бўлади.

- **Оғриқ** кечқурун ёки кечаси, беморнинг орқа томонидаги ҳолатида кўпинча пайдо бўлиши ёки кучайиши қайд этилди. Оғир ва айниқса ёғли овқатдан сўнг, шунингдек спиртли ичимликларни истеъмол қилгандан кейин кузатилади. Оғриқ безининг танаси саратонида кучаяди, айниқса қуёш чигалига ўсма ўсганда ёки сиқилганида. Шу билан бирга, у жуда кучли, чидаб бўлмас бўлиб қолади ва белбоғсимон характериға эға бўлиши мумкин. Беморлар мажбурий позицияни эгаллайдилар, умуртқа поғонасини олдинга эгадилар. Стул суянчиғига суянган ҳолда ёки қоринга босилган ёстиқ устидан энгашади. Ушбу "илмоқ" позаси меъда ости беэи тарқалган саратони беморларға хосдир.

- **Сариклик** – меъда ости беэи бош қисмининг энг яққол аломатидир. Бу беморларнинг 70-80 фоизида учрайди. Бу ўт йўлиға ўсмасининг ўсиб ўтиши ва сафро тизимида сафро димланишидан келиб чиқади. Бу баъзан безнинг тана ва дум қисми саратонида ҳам кузатилади ва бундай ҳоллар лимфа тугунларига метастазлар орқали умумий ўт йўлининг сиқилишидан келиб чиқади. Касалликнинг биринчи аломати камдан-кам ҳолларда сарикликдир, кўпинча ундан олдин оғриқ ёки тана вазнининг йўқолиши кузатилади. Сариклик табиатан механикдир. У аста-секин ривожланади. Унинг интенсивлиги тобора ортиб боради. Сариклик пешоб ва нажас рангининг ўзгариши билан бирга келади. Нажас массалари рангсизланади. Пешоб пивони эслатувчи жигарранг рангға айланади. Баъзида пешоб ва нажасдаги ўзгаришлар сариклик пайдо бўлишидан олдин содир бўлади.

- **Тери қичишиши** – тери рецепторларининг сафро кислоталари билан таъсирланиши натижасида юзага келади. Меъда ости беэи саратони туфайли сарикликда кўпчилик беморларда қичишиш пайдо бўлади. Одатда сариклик пайдо бўлгандан кейин, кўпинча қонда билирубин микдори кўтарилганда содир бўлади, лекин баъзида беморлар ҳатто сарикликдан олдинги даврда ҳам терининг қичишини қайд этишади. Қичишиш беморларнинг аҳволини сезиларли даражада ёмонлаштиради, уларға дам бермайди, уйқусизлик ва асабийлашишни кучайтиради, кўпинча терида излари кўринадиган кўплаб чизишларға олиб келади.

Вазни йўқотиш энг муҳим аломатлардан биридир. Бу ўсма ривожланиши натижасида интоксикация туфайли ва сафро ва меъда ости беши йўлларининг тикилиб қолиши натижасида ичак ҳазм бўлишининг бузилиши туфайли юзага келади. Кўпгина беморларда вазн йўқотиш кузатилади, баъзида бу оғриқ ва сариклик пайдо бўлишидан олдин касалликнинг биринчи аломати бўлиши мумкин. Иштаҳанинг пасайиши беморларнинг ярмидан кўпида учрайди. Кўпинча ёғли ёки гўштли овқатлардан нафратланиш кузатилади. Вазн йўқотиш ва иштаҳанинг пасайиши ҳолсизлик, чарчоқ ва баъзида кўнгил айнаши ва қайт қилишнинг кучайиши билан бирга келади. Баъзида овқатдан кейин оғирлик ҳисси пайдо бўлади, меъда ёниши, ичак функцияси кўпинча бузилади, метеоризм, ич қотиши пайдо бўлади ва вақти-вақти билан диарея кузатилади. Нажас кўп, кулранг-лой рангга эга, ёқимсиз ҳидли, кўп миқдорда ёғни ўз ичига олган бўлади.

2) Умумий, физикал текширишлар:

Меъда ости беши саратонининг белгилари ўсиб бораётган ўсмадан келиб чиққан учта клиник ҳодисанинг натижасидир: обтурация, сиқилиш ва интоксикация.

- **Компрессия феномени** меъда ости беши ўсмасининг нерв поясига ўсиб ўтиши ёки сиқилиши натижасида оғриқ билан намоён бўлади.

- **Обтурация феномени** ўсиб бораётган ўсма умумий ўт йўлини, ўн икки бармоқли ичакни, меъда ости беши йўлини тўсиб қўйса, талоқ венасини сиқиб қўйса содир бўлади. Умумий ўт йўлининг обтурацияси сафро гипертензиясининг пайдо бўлишига олиб келади, бу механик сариклик, қичишиш, жигар ва ўт пуфагининг катталашиши, рангсиз нажас ва пешобнинг қорайиши билан боғлиқ. Биляр гипертензия – бу беморнинг кейинги тақдирини белгилайдиган оғир патологик ҳолат. Бу жигар функцияси, юрак-қон томир ва асаб тизимлари, метаболизмнинг бузилишига олиб келади, брадикардия, бош оғриғи, апатия, асабийлашишнинг кучайишига олиб келади. Узоқ муддатли ва кучли сарикликнинг натижаси - жигар ва жигар-буйрак етишмовчилиги, холемик қон кетишдир. Ўсманинг ўн икки бармоқли ичакка ўсиши обструкцияга олиб келади ва клиникада привратник стенозини эслатади.

- **Интоксикация феномени** вазн йўқотиш, иштаҳанинг пасайиши ва умумий ҳолсизлик билан намоён бўлади. Ушбу аломатлар кўпинча меъда ости беши саратонида кузатилади, чунки улар нафақат ўсманинг ўзи таъсиридан, балки ичак ҳазм бўлишининг бузилишидан ҳам келиб чиқади.

3) Лаборатор текширувлар, синдромни аниқлаш учун зарур, паллиатив ёрдам ташкилотида касалхонага ётқизишдан олдин амалга оширилади:

Асосий:

- Меъда ости беzi ўсмаси ёки жигар метастазининг биопсиясини **цитологик текшируви** (хужайра ўлчамларининг гигант даражагача ўсиши, хужайра ичидаги элементларнинг шакли ва сонининг ўзгариши, ядро ҳажмининг ошиши, унинг контурлари, ядро ва бошқа хужайра элементларининг етуклигининг турли даражалари, ядрочалар сони ва шаклининг ўзгариши);

- Меъда ости беzi ўсмаси ёки жигар метастазининг биопсиясини **гистологик текшируви** (кучли хужайрали полиморфизм, хужайра ҳажмининг ошиши, кучли гипохромия, катта ядроларда бир ёки бир нечта нуклеоллар мавжудлиги, розетка шаклида саратон хужайраларининг беzли тузилмалари, митоз ҳолатидаги кўплаб хужайралар мавжудлиги).

Кўшимча:

- Ўсма субтипини батафсил аниқлаш учун биопсия ва жарроҳлик материалларини иммуногистокимёвий текшируви;

- Молекуляр генетик тадқиқотлар: BRCA1, BRCA2 генларида 5% дан ортиқ мутацияларни аниқланиш частотаси, шунингдек, ушбу мутацияларнинг ХТ режимини танлашга сезиларли таъсири туфайли уларни аниқлаш барча беморларда тавсия этилади.

- Биокимёвий қон таҳлили меъда ости беzi бош қисмида локализация қилинган ўсма учун механик ("жигар ости") сариқликнинг ривожланиши характерлидир – лаборатория текширувлар гипербиллирубинемияни аниқлайди.

Носпецифик лаборатория текширувлари ёки кимётерапияни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда тавсия этилади:

- Кенгайтирилган қон умумий (клиник) таҳлили, ЭЧТ;

- Қон биокимёвий таҳлили: умумий оқсил, глюкоза, билирубин, креатинин, мочевина, темир, аланинаминотрасфераза (АЛТ), аспартатаминотрасфераза (АСТ), умумий билирубин, ишқорий фосфатаза (ИФ), плазма электролитлари (калий, натрий, хлор), СРО;

- пешоб умумий (клиник) таҳлили;

- Коагулология: фибриноген, протромбин, МНО, протромбин вақти, протромбин индекси, фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (АЧТВ), тромбин вақти (ТВ);

- жорий клиник ҳолатни баҳолаш учун ва уларнинг даражаси кўтарилганда кейинчалик касалликни мониторинг учун саратон эмбрионал антигенига (СЭА), аденоген саратонлар антигени СА 19-9 даражасини аниқлаш) учун қон таҳлили. Бошланғич даражасини аниқлаш билиар декомпрессия фонида, нормал билирубин даражасида, яллиғланишни бартараф этилгандан сўнг амалга оширилиши керак;

- Нейроэндокрин ўсмаларда дифференциал ташҳислаш мақсадида хроматин А га қон таҳлили.

4) Инструментал текширувлар, синдромни аниқлаш учун зарур, паллиатив ёрдам ташкилотида касалхонага ётқизишдан олдин амалга оширилади:

Асосий:

- Қорин бўшшлиғи УТТси – меъда ости беzi ўсмаларининг бирламчи диагностикаси.

- Қорин бўшшлиғи мультислайс компьютер томографияси болуос контрастлаш билан меъда ости беzi саратонини ташҳислаш, томирлар инвазиясини баҳолаш ва узоқ метастазларни аниқлаш имконини беради (лимфа тугунларига, жагар, қорин бўшшлиғига).

- Фиброгастродуоденоскопия (ўсма жараёнининг тарқалганлигини баҳолаш мақсадида)

Қўшимча:

- Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография – панкреатик ва ўт йўллари ни обструкциясини ташҳислашда аҳамиятга эга.

- Магнит-резонанс холангиопанкреатография билан магнит-резонанс томография панкреатик ва ўт йўллари ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини беради.

- ПЭТ-КТ– ўсма жараёнининг кичик чанок, қорин бўшшлиғи, қорин парда орти соҳаси, кўкрак қафаси, бош мия, юмшоқ тўқималар, суякларга тарқалиш даражасини баҳолашда, “кичик” ўсмаларни, рецидив ва метастазларни аниқлашда энг сезгир ва информатив усуллардан бири ҳисобланади.

NB! Инструментал текширув усуллари ни ҳар қандай кетма-кетлигида меъда ости беziдаги ўзгаришлар табиатини ва ўсманинг тарқалганлигини аниқлаш зарур.

4. Паллиатив тиббий ёрдамнинг мақсадлари:

- ✓ Оғриқ ва бошқа оғриқли аломатларнинг олдини олиш ва йўқ қилиш, беморнинг азобини енгиллаштириш;
- ✓ Саратон касаллигининг ривожланишини секинлаштириш ва беморнинг умрини узайтириш;
- ✓ Бемор ҳаёти фаровонлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ✓ Психологик, ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлаш, психосоматик томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ✓ Ўсмага қарши даволашнинг ножўя таъсирини енгиш учун;

5. Паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш тактикаси:

- ўсма ўқоғи ва метастазларни кичрайтириш;
- ўсма жараёни қисман регрессияси ёки стабилизациясига эришиш;
- ҳаёт сифатини яхшилаш;
- ҳаёт давомийлигини узайтириш.

1) Паллиатив ёрдам кўрсатишда беморни кузатиш картаси, беморни маршрутизацияси: йўқ.

2) Паллиатив номедикаментоз даво:

- Режим: консерватив даво пайтида – умумий. Операциядан кейинги эрта даврда – ётоқ ёки ярим ётоқ режими (операция ҳажмига ва ҳамроҳ патологияга қараб). Операциядан кейинги даврда – палата режими.
- **Пархез:** жарроҳлик давосидан сўнг – 1-чи стол, сўнгра 15-чи столга ўтилади.

Паллиатив нур терапия.

- паллиатив нур терапия;
- симптоматик нур терапия.

Нур терапия турлари:

- фотон терапия (юқори энергияларнинг тормозли нурланиши, гамма терапия).
- корпускуляр терапия (юқори энергияларнинг тез электронлари, протон, ион, нейтрон турлари).

Нур терапия усуллари (Вақт ўтиши билан дозани фракциялаш):

а) Классик (стандарт) фракциялаш режими: БМЎД 1,8-2,4 Гр ҳафтасига 5 фракциягача, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД 20,0-70,0 Гргача.

б) Гипофракциялаш режими БМЎД >2,5 Гр ҳафтасига 5 фракциягача, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД > 15,0 Гргача.

в) Гиперфракциялаш режими (мультифракциялаш): БМЎД 1,0-1,25 Гр кунига 2 маҳал 4-6 ва 20-18 соатдан сўнг, бўлинган ёки узлуксиз курс, СЎД 20-70 Гргача.

г) Стереотаксик радиохирургия – бир вақтнинг ўзида юқори дозани йиғиш (БМЎД 12 Гр ива кўпроқ) стереотаксик техникани қўллаш билан; аниқ чегарали кичик

ўсмаларда ишлатилади (максимал ўлчами 3 смгача);

д) Стереотаксик радиотерапия (SRT) – йирик фракцион нурланиш 2- дан 5 фракциягача БМЎД > 7,0 Гр ҳар куни СЎД >14 Гргача.

Нур терапия усуллари.

– Дистанцион НТ.

- 2 ўлчовли конвенциал (стандарт) нур терапияси (2D RT);
- 3 ўлчовли конформ нур терапияси (3D CRT);
- интенсив-модулланган нур терапияси (IMRT);
- сурат бўйича бошқариладиган нур терапия (IGRT);
- нафас билан сихронлашган нур терапияси (4D RT);
- стереотаксик радиохирургия (SRS);
- стереотаксик радиотерапия (SRT).

– Интраоперацион нур терапия (IORT);

– Брахитерапия.

Бош мияга метастазларда нур терапия.

1. С1 бўйин умуртқасигача бош мияни тотал нурлаш:

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-40 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-35 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 30-33 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр 5 фракция СЎД 20 Гр.

2. Болш мияни локал нурлаш

- стереотаксик радиохирургия (SRS) - БМЎД 10,0 – 30,0 Гр метастаз диаметри 3 см дан катта бўлмаганда 1 фракция;
- стереотаксик радиотерапия (SRT) – БМЎД 6,0-10,0 Гр метастаз диаметри 3,0 дан 6,0 смгача бўлганда 3-5 фракция;
- метастазларни локал нурлаш БМЎД 2,0-3,0 СЎД 20-60 Гргача.

Скелет суякларидаги метастазларда нур терапия:

- БМЎД 2,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-50 Гр;
- БМЎД 3,0 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 39-45 Гр;
- БМЎД 4,0 Гр 3-ҳафтасига 5 фракция СЎД 20-40 Гр;

- БМЎД 8,0 Гр 1-2 фракция.
- Нур терапияси конвенциал (стандарт) ёки конформ нурланиш режимида статик кўп майдонли режимда амалга оширилади БМЎД 1,8-2,0-2,5 Гр ҳафтасига 5 фракция СЎД 40-60 Гр узлуксиз ёки бўлинган курсда.
- Радиация терапияси операциядан кейинги режимда, операциядан олдинги ёки мустақил таъсир қилиш нуктаи назаридан кимётерапия билан биргаликда буюрилади.
- Нурланиш гамма-терапевтик ускуналарда ёки чизикли тезлаткичларда ўтказилади.

Трансфузион қўллаб қувватлаш.

- Трансфузион терапия учун кўрсатмалар, биринчи навбатда, ҳар бир бемор учун ёши, ҳамроҳ касалликлари, кимётерапиянинг толерантлиги ва даволашнинг олдинги босқичларида асоратларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда клиник кўринишлар билан белгиланади.
- Кўрсатмаларни аниқлаш учун лаборатория параметрлари ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, улар асосан тромбоцитлар концентратини профилактик қўйиш зарурлигини баҳолаш учун қўлланилади.
- Трансфузияларга кўрсатмалар, шунингдек, кимётерапия курсидан кейинги вақтга боғлиқ – кейинги бир неча кун ичида кўрсаткичларнинг тахмин қилинган пасайиши ҳисобга олинади.

Эритроцитар масса/аралашма:

- Тўқималарнинг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун одатдаги захиралар ва компенсация механизмлари етарли бўлса, гемоглобин даражасини ошириш шарт эмас;
- Сурункали анемияларда эритроцитларни сақловчи воситаларни қўйиш учун фақат битта кўрсатма мавжуд – симптоматик анемия (тахикардия, нафас қисилиши, стенокардия, сенкоп, de novo депрессияси ёки ST элевацияси билан намоён бўлади);
- Гемоглобин даражасининг 30 г/л.дан кам бўлиши, эритроцитлар трансфузияси учун абсолют кўрсатма бўлади;
- Юрак-қон томир тизими ва ўпканинг декомпенсацияланган касалликлари бўлмаса, сурункали анемияда эритроцитларни профилактик қўйиш учун кўрсатма бўлиши мумкин бўлган гемоглобин даражаси:

– Ёши (ёш)	– Нв (г/л) триггер даражаси
------------	-----------------------------

– <25	– 35-45
– 25-50	– 40-50
– 50-70	– 55
– >70	– 60

Тромбоцитлар концентрати:

- Тромбоцитлар даражасининг $10 \times 10^9/\text{л}$.дан пасайиши ёки терида гемorraгик тошмаларнинг пайдо бўлишида (петехиялар, кўкаришлар) аферез тромбоцитлар билан профилактик трансфузия ўтказилади;
- Иситма билан, инвазив аралашув режалаштирилаётган беморларга юқорирок даражада ҳам ($20 \times 10^9/\text{л}$) аферез тромбоцитлар билан профилактик трансфузия ўтказилиши мумкин;
- Петехиал-доғли типдаги гемorraгик синдром (бурун, милкдан қон кетиш, мено-, метроррагия, бошқа локализация қон кетишлари) мавжуд бўлганда, тромбоцитлар концентратини қуйиш даволаш мақсадида амалга оширилади.

Янги музлатилган плазма:

- ЯМПни трансфузияси қон кетишли беморларда ёки инвазив муолажалар ўтказишдан олдин ўтказилади.
- $\text{MHO} \geq 2.0$ бўлган беморлар (нейрожарроҳлик аралашувларида ≥ 1.5) инвазив муолажаларни режалаштиришда ЯМП қуйиш учун кандидат сифатида кўрилади. Режали амалиётларда амалиётдан камида 3 кун олдин фитоменадион 30 мг/сут дан кам бўлмаган дозада вена ичига ёки ичишга буюрилиши мумкин.

3) Паллиатив медикаментоз даво

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Паллиатив кимё терапия:

Кимё терапия – бу махсус препаратлар, цитостатиклар ёрдамида саратон хужайраларини йўқ қилиш ёки ўсишини секинлаштиришга қаратилган ҳавфли саратон ўсмаларини медикаментоз даволашдир. Кимётерапия билан саратонни даволаш индивидуал равишда танланган маълум бир схема бўйича мунтазам равишда амалга оширилади. Одатда, ўсма кимётерапияси схемалари дориларнинг

маълум комбинацияларини қабул қилишнинг бир неча курсларидан иборат бўлиб, шикастланган тана тўқималарини тиклаш учун дозалар орасидаги паузалар қилиш билан ўтказилади.

Буюрилиш мақсадига қараб кимё терапиянинг бир неча тури фарқланади. **Паллиатив кимё терапия** тарқалган турларида қўлланилади.

Паллиатив кимё терапия метастатик ўсмаларни кичрайтириш уун қўлланилади.

Кимё терапия ўсманнинг локализацияси ва турига қараб турли схемаларда буюрилади ва ўз хусусиятларига эга.

Паллиатив кимё терапияга кўрсатмалар:

- гистологик тасдиқланган меъда ости беши саратони;
- маҳаллий тарқалган ўсмаларни даволашда;
- регионар лимфа тугунларида/узок аъзоларда (ўпка, жигар, бош мия, суякларда) метастазлар;
- ўсма рецидивлари;
- беморда қон сурати кўрсаткичлари қониқарли бўлиши;
- жигар, буйраклар, нафас тизими ва ЮҚТ фаолияти сақланганда;
- бемор операциядан бош тортганда;
- ёмон гистотипли (паст дифференциалланган, дифференциаллашмаган) ўсмаларда даволашнинг узок натижаларини яхшилаш.

Паллиатив кимё терапияга қарши кўрсатмалар:

Кимё терапияга қарши кўрсатмалар икки гуруҳга бўлиш мумкин: абсолют ва нисбий.

Абсолют қарши кўрсатмалар:

- гипертермия >38 градус;
- декомпенсация босқичидаги касалликлар (юрак-қон томир , нафас олиш тизими, жигар, буйраклар);
- ўткир инфекцияон касалликларнинг мавжудлиги;
- психик касалликлар;
- битта ёки бир нечта мутахассислар томонидан тасдиқланган, ушбу давонинг самарасизлиги;

- ўсмани парчаланиши (қон кетиш ҳавфи);
- Карновский шкаласи бўйича 50% ва ундан кам бемор умумий аҳволининг оғирлиги (1-иловага қаранг).

Нисбий қарши кўрсатмалар:

- 16-18 ҳафталик ҳомиладорлик;
- организм интоксикацияси;
- фаол ўпка туберкулези;
- қон таркибининг турғун патологик ўзгаришлари (анемия, лейкопения, тромбоцитопения);
- кахексия.

Тарқалган меъда ости беzi саратони.

Монохимиотерапия:

1. Гемцитабин 1000 мг/м², в/и, 100 дақиқа давомида; 10мг/м²/мин; 1, 8, 15 кунлар ҳар 28 кунда.

ёки гемцитабин 1000мг/м², в/и, ҳар ҳафта, 7 ҳафта давомида, кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, кейинги курс гемцитабин - 1000мг/м², в/и, ҳар ҳафта, 3 ҳафта давомида кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан.

3 ҳафталик курс ҳар 28 кунда такрорланади.

2. Капецитабин 1250мг/м², ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 14-чи кунгача.

Дозалар 850-1000мг/м²гача пасайтирилиши мумкин, ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 14-чи кунгача клиник самарадорликни камайтирмаган ҳолда токсиклик ҳавфини камайтириш учун.

Ҳар 21 кунда такрорланади.

3. Фторурацил 500 мг/м², в/и, 1-чидан 5-чи кунгача, ҳар 28 кунда.

4. Эрлотиниб 100мг, ичишга, ҳар куни прогрессиягача.

Комбинирланган кимё терапия:

1.Фторурацил 425 мг/м², в/и, 1-чидан 5-чи кунгача ва давом этади;

Кальция фолинат 20мг/м², в/и, 1-чидан 5-чи кунгача.

Ҳар 4 ҳафтада такрорланади.

2. Гемцитабин 1000 мг/м²; 1, 8, 15, 22 кунлар;

Кальция фолинат 200 мг/м², в/и; 1, 8, 15, 22 кунлар.

Фторурацил 750 мг/м², в/и; 1, 8, 15, 22 кунлар. Ҳар 6 ҳафтада такрорланади.

3. GEM-CAP:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и; 1, 8, 15 кунлар;

Капецитабин 880 мг/м², ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 21-чи кунгача.

Ҳар 28 кунда такрорланади.

4. GTX:

Гемцитабин 750мг/м², в/и, 75 дақиқа давомида, 4-чи ва 11-чи кунлар;

Доцетаксел 30мг/м², в/и, 4-чи ва 11-чи кунлар;

Капецитабин 1000-1500мг/м², ичишга, кунига 2 марта, 1-чидан 14-чи кунгача.

Ҳар 3 ҳафтада такрорланади.

5. GEMOX:

Гемцитабин 1500мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар;

Оксалиплатин 85мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар. Ҳар 4 ҳафтада.

1ки

Гемцитабин 1000мг/м², в/и, 100 дақиқа давомида, 10мг/м²/мин, 1-чи кун;

Оксалиплатин 100мг/м², 2 соат давомида, 2-чи кун.

Цикл ҳар 2 ҳафтада такрорланади.

6. GP:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар;

Цисплатин 25мг/м², в/и, 1-чи ва 8-чи кунлар

Ҳар 21 кунда.

7. GF:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и; 1, 8, 15 кунлар;

Фторурацил 400мг/м², в/и, оқим билан, сўнгра - 600мг/м², 22 соатлик инфузия, 1-чи ва 2-чи кунлар.

Ҳар 28 кунда.

8. DG:

Доцетаксел 35мг/м², в/и; 1, 8, 15 кунлар;

гемцитабин 1000мг/м²; 1, 8, 15 кунлар.

Ҳар 28 кунда.

9. FOLFOXIRI:

иринотекан 165мг/м², в/и, 1-чи кун;

оксалиплатин 85мг/м², 1-чи кун;

кальция/натрия фолинат 200-400 мг/м², в/и 2 соатлик инфузия 1-чи кун;

фторурацил 3200мг/м², в/и 48 соатлик инфузия.

Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.

10. Гемцитабин + Эрлотиниб:

Гемцитабин 1000мг/м², в/и, ҳар ҳафта, 7 ҳафта давомида, кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, кейинги курслари 1000мг/м², ҳар ҳафта, 3 ҳафта давомида, кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан Эрлотиниб 100мг, ичишга, ҳар куни прогрессиягача. 3 ҳафталик курс ҳар 28 кунда такрорланади.

11. mFOLFIRINOX: иринотекан 165-180мг/м², в/и, 1-чи кун; оксалиплатин 60-85мг/м², 1-чи кун;

кальция/натрия фолинат 400 мг/м² в/и 120мин; фторурацил 320-400мг/м² в/и болюс шаклида; фторурацил 2000-2400мг/м², в/и 46 соатлик инфузия. Курс ҳар 2 ҳафтада такрорланади.

12. Олапариб 300 мг (2 таблетка 150 мгдан) суткасига 2 марта монотерапия сифатида BRCA1/2 герминал мутация мавжуд бўлган меъда ости безини метастатик аденокарциномасини қўллаб-қувватловчи терапия сифатида биринчи қатор платина сақловчи кимё терапия билан минимум 16 ҳафталик даволашдан сўнг прогрессияланиш кузатилмаган ҳолатларда. Давомийлик касаллик прогрессиялангунча ёки чидаб бўлмас токсиклик кузатилгунча.

Кимё-нур терапия:

фторурацил + нур терапия (GITSG режим):

- фторурацил 500мг/м²/кунига, в/и, 1-чи кундан 3-чи кунгача ва 29-чи кундан 31-чи кунгача, кейинчалик –ҳар ҳафта, 71-кундан бошлаб.
- Нур терапия умумий дозаси 40Гр.
- Кимё терапия ва нур терапия конкурент шаклда штказилади.

"НЭ" кимётерапияси агар жарроҳлик даволаш имконсиз бўлса, циторедуктив операциялардан сўнг буюрилади.

Фаолиятдаги G1-G3 НЭЎлар:

Ланреотид – тавсия этилган бошланғач доза 90 мг ҳар 28 кунда 2 ой давомида. Кейинчалик дозани симптомларнинг эришилган пасайишига қараб танлаш керак. Клиник аломатлар ("қизишлар" ва юмшоқ нажас) билан баҳоланадиган жавоб етарли бўлмаган тақдирда, дозани 120 мггача оширилади, ҳар 28 кунда (4 ҳафтада).

Клиник аломатлар ("қизишлар" ва юмшоқ нажас) билан баҳоланган етарли жавоб бўлса, дозани 60 мггача тушириш мумкин, ҳар 28 кунда (4 ҳафтада).

Октреотид 0,1 мг т/о суткада 3 марта қисқа вақт ичида (тахминан 2 ҳафта) унинг самарадорлигини ва умумий кўтаришини баҳолаш учун қилинади, сўнгра октреотид 20 мг мушак орасига 1 марта/28 кунда қилинади. Агар 3 ой ичида касалликнинг клиник кўринишлари ва биологик белгиларини етарли даражада назорат қилиш таъминланса, Октреотид 10 мг мушак орасига 1 марта / 28 кунда қилинади.

Агар 3 ой ичида касалликнинг клиник кўринишлари ва биологик маркерларни қисман назорат қилиш таъминланса – Октреотид 30 мг мушак орасига ҳар 4 ҳафтада буюрилади.

Прогрессияланиш:

- эверолимус 10мг ичишга ҳар куни прогрессиягача.
- эверолимус 10мг ичишга ҳар куни Октреотид билан комбинацияда 28 кунда 1 марта прогрессиягача.

Фаолиятсиз НЭЎ

Ki67>10%, G2/G3: темозоломид;

Лантреотид норезеектабел маҳаллий тарқалган ёки метастатик ўсмалар бўлган катта ёшли беморларда ўрта ичакдан, меъда ости беши ёки номаълум бирламчи ўчоқдан (орқа ичакдан келиб чиққан ўсмалар бундан мустасно) келиб чиққан, грэйд 1 ва 2 (пролиферация индекс Ki67 10%гача) гастроэнтеропанкреатик, нейроэндокрин ўсмаларда (-НЭЎ) кўрсатма бўлади:

рекомендуемая доза Лантреотинги тавсия этилган дозаси 120 мг ни ташкил этади, ҳар 28 кунда. Даво Ki67 5-20%, G2 назорати учун қанча зарур бўлса шунча давом этиши керак:

доксорубицин+фторурацил;

Ki67 2-20%, G1/G2:

1) эверолимус;

2) сунитиниб

Ki67>20%, G3:

1) карбоплатин/цисплаин+этопозид*

Дори терапиясининг схемалари:

1) Цисплатин - 80 мг/м² в/и томчилаб 1-чи кун. Этопозид* - 120мг/м² в/и томчилаб 1-3-кунларда. Цикл ҳар 4 ҳафтада такрорланади;

2) Карбоплатин – АУС 4-5. Этопозид*100мг/м² в/и 1-3-кунлар. Цикл ҳар 4 ҳафтада такрорланади;

3) Темозоломид - 150 мг/ м² /сут ичишга 7 кун, танаффус 7 кун; бевацизумаб –5 мг/кг в/и 2 ҳафтада 1 марта.

Курс давомийлиги 22 ҳафта;

4) Темозоломид - 150 мг/ м² /сут ичишга 1- 5-кунлар; капецитабин – 2 г/ м² /сут ичишга 1-14-кунлар Бевацизумаб – 5 мг/кг в/и 2 ҳафтада 1 марта Курс ҳар 28 кунда такрорланади;

5) XELOX: оксалиплатин 130 мг/м² 1-кун, капецитабин суткасига 2000 мг/м² (2 та қабулга бўлиш, эрталаб ва кечқурун) 1-14-кунлар;

6) α -ИФН 3-5 млн. ЕД т/о ҳафтасига 3 марта. Доз толерантликка қараб индивидуал равишда танланади;

7) Эверолимус 10мг ичишга ҳар куни прогрессиягача.

Суяк структураларининг метастатик шикастланишида остеомодификацияловчи препаратлар

1. Бисфосфонатлар:

- Золедрон кислота 4 мг в/и, 15 дақиқа давомида ҳар 4 ҳафтада ёки ҳар 3 ойда;
- Памидрон кислота 90 мг в/и, 2-4 соат давомида ҳар 4 ҳафтада ёки ҳар 3 ойда.

Бифосфонатлардан фойдаланиш суяк метастазлари мавжудлигини аниқлаш ва рентгенологик тасдиқлашдан сўнг дарҳол бошланиши ва буйрак функциясини мунтазам кузатиб бориш (препаратни кейинги юборишдан олдин креатинин даражасини аниқлаш) билан толерантликка қараб чексиз давом этиши керак. Гипокальциемиянинг олдини олиш учун олдиндан мавжуд бўлган гипокальциемия ва D витамини етишмовчилигини коррекцияси, шунингдек, терапия пайтида Са ва D витамини препаратларидан фойдаланиш тавсия этилади.

2. Деносумаб

Тавсия этиладиган доза 120 мг ҳар 4 ҳафтада 1 марта тери остига қорин, елка ёки сон соҳасига. Терапия дастлабки ойи давомида қўшимча равишда препарат 120мг дозада т/о 8-чи ва 15-кунлар юборилади. Даво курс давомида қўшимча равишда кальций ва витамин D препаратларини қабул қилиш тавсия қилинади.

8-жадвал

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг	Қўллаш тартиби	Ишончлилик даражаси
--------------------------------	--------------------------	-----------------------	----------------------------

	ХПН		
Алкилловчи агентлар – платина комплекс бирикмалари	цисплатин	75 мг/м ² 1-чи кун, в/и	А
	карбоплатин	AUC 5-6 1-чи кун, в/и	
Пиримидин антогонистлари – фторпиримидинлар	капецитабин	2000 мг/м ² , 1-14 кунлар, таблеткалар, ичишга	А
Антиметоболитлар – цитидин аналоглари	гемцитабин	1000 мг/м ² 1-чи, 8-чи ва 15-чи кунлар, в/и	А
Топоизомераза 1 специфик ингибиторлари	иринотекан	165 мг/м ² 1-чи кун, в/и	А
Топоизомераза 11 специфик ингибиторлари	этопозид*	100 мг/м ² 1-5 кунлар, в/и	А
Платина комплекс бирикмалари	оксалиплатин	130 мг/м ² 1-чи кун, в/и	А
Алкилловчи бирикмалар	дакарбазин	200 мг/м ² в/и 1-3-кунларда	А
Антиметаболит	фторурацил	400 мг/м ² , в/и оқим билан, сўнгра - 600мг/м ² 22 соатлик инфузия	А
Протеинкиназа ингибиторлари	эрлотиниб	100 мг ичишга,	А
Соматостатиннинг синтетик аналоглари	ланреотид	120 мг ҳар 28 кунда	В
Соматостатин аналоглари	октреотид	0,1 мг т/о	А
Серин треонин киназа mTOR ингибиторлари	эверолимус	10 мг ичишга	А
Ўсмага қарши воситалари, протеинтирозинкиназа ингибиторлари	сунитиниб	37,5 мг узлуксиз прогрессиягача; 40 мг 4 ҳафта 2 ҳафта танаффус билан узлуксиз прогрессиягача. Қониқарсиз	А

		кўтарганда 40 мг 2 ҳафта 2 ҳафта танаффус билан узлуксиз прогрессиягача ичишга.	
Фолий кислота антагонистлари антидоти	Кальция фолинат	200 мг/м ² в/и	А
	натрия фолинат	400 мг/м ² в/и	С
Алкилловчи агент	темозоломид	150 мг/ м ² /сут ичишга	В
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://diseases.medelement.com/disease/%D1%80%D0%B0%D0%BA-%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D1%83%D0%B4%D0%BE%D1%87%D0%BD%D0%BE%D0%B9-%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D0%B5%D0%B7%D1%8B-%D0%BA%D0%BF-%D1%80%D0%BA-2023/17787		

9-жадвал

Кўшимча дори-воситаларнинг рўйхати (фойдаланиш эҳтимоли 100% дан кам):

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг ХПН	Кўллаш тартиби	Ишончлилик даражаси
Ўсиш факторлари ва уларнинг рецепторларига моноклонал антитаналар	бевацизумаб	7,5-15 мг/кг в/и 3 ҳафтада 1 марта	А
Поли (АДФ-рибоза) полимеразалар инсон ферменти ингибитори (PARP)	олапариб	300 мг, суткада 2 марта, узоқ вақт	А
Маълумотларни юклаб олиш учун (ҳаволалар)	https://diseases.medelement.com/disease/%D1%80%D0%B0%D0%BA-%D0%BF%D0%BE%D0%B4%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D1%83%D0%B4%D0%BE%D1%87%D0%BD%D0%BE%D0%B9-%D0%B6%D0%B5%D0%BB%D0%B5%D0%B7%D1%8B-%D0%BA%D0%BF-%D1%80%D0%BA-2023/17787		

NB! Кўшимча медикаментоз даволаниш ривожланган асоратларни даволаш протоколларига мувофиқ амалга оширилади.

Тарқалган босқичларни консерватив даволаш.

- Норезектабел меъда ости беши саратони (Т3-4N0-1M0) билан оғриган беморларда, резектабелликни кейинги қайта баҳолаш билан индукцион терапия тавсия этилади [45, 69, 97, 119].

Тавсия ишончлилиги даражаси С (далиллар ишончлилиги даражаси 4)

Изоҳ: *индукцион терапиянинг асосий усули кимётерапия ҳисобланади. Кимётерапия схемалари метастатик саратонни даволаш учун тавсифланганларга ўхшаши бўлади.*

• **Метастатик меъда ости беши саратони билан оғриган беморларда касаллик аломатларини назорат қилиш ва умр кўриш давомийлигини ошириш учун тизимли кимётерапиядан фойдаланиш тавсия этилади** [52, 57, 88, 110].

Тавсия ишончлилиги даражаси В (далиллар ишончлилиги даражаси 2)

Изоҳ: *меъда ости беши саратонида биринчи қатор кимётерапиянинг тавсия этилган схемалари 10-жадвалда келтирилган. Ҳар қандай кимётерапия режимидан фойдаланганда, дозани камайтиришига қарамай давом этадиган прогрессияланиши ёки чидаб бўлмайдиган токсикликкача даволанишини давом эттириши тавсия этилади. Кимётерапиянинг биринчи курсини метастатик касаллик аниқлангандан кейин 30 кундан кечиктирмасдан бошлаш керак (агар тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса ва тиббий қарши кўрсатмалар бўлмаса).*

10-жадвал. Меъда ости беши саратони I линия кимё терапияси

Кимё терапия режими (даво прогрессиягача/чидаб бўлмас токсикликкача)	Беморларни танлаш мезонлари
<p>FOLFIRINOX [60] (#оксалиплатин** 85 мг/м² в/и 120 мин, #иринотекан** 180 мг/м² в/и 90 мин, #кальция фолинат** 400 мг/м² в/и 120 мин, #фторурацил** 400 мг/м² в/и болюс, #фторурацил** 2400 мг/м² в/и инфузия 46 соат давомида, цикллар орасидаги интервал 14 кун);</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Марказий веноз киришни ўрнатиш имконияти; • #фторурацилни** инфузومات/инфузион помпа ёрдамида икки суткалик инфузияси эҳтимоли; • Ҳаёт учун хавfli бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти
<p>Паклитаксел+альбумин 125 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа + #гемцитабин** 1000 мг/м² в/и томчилаб 30 дақиқа 28 кунлик циклнинг 1,8,15 кунлари [110]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Статус ECOG 0-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси;

	<ul style="list-style-type: none"> • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти.
<p>#Гемцитабин** 1000 мг/м2 в/и томчилаб 1, 8 кунлар + #дисплатин** 50-75 мг/м2 в/и томчилаб 21 кунлик курснинг 1-кунида [64] ёки #Гемцитабин** 1000 мг/м2 в/и томчилаб + #Оксалиплатин** 100 мг/м2 в/и томчилаб 120 дақиқа ҳар 2 ҳафтада [68].</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Статус ECOG 0-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • BRCA герминал ёки соматик мутациясининг мавжудлиги ёки тухумдон саратони, кўкрак беzi саратони ёки меъда ости беzi саратонидан азият чеккан 1-3 даражали 2 ва ундан ортиқ қариндошларининг мавжудлиги
<p>Гемцитабин** 1000 мг/м2 в/и томчилаб 30 дақиқа ҳафтасига 1 марта 7 ҳафта давомида кейинчалик 1 ҳафта танаффус билан, сўнгра 28 кунлик курснинг 1, 8, 15 кунлари [57]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ECOG 2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <3 х меъёрнинг юқори чегараси; • Юқорида айтиб ўтилган режимларга қарши кўрсатмалар

• Адъювант кимётерапия ва/ёки биринчи қатор кимётерепиядан сўнг прогрессияланиш кузатилганда, қониқарли ҳолатда бўлган меъда ости беzi саратони билан оғриган барча беморларга касаллик аломатларини назорат қилиш ва умр кўриш давомийлигини ошириш учун иккинчи қатор кимётерапия тавсия этилади [70, 102].

Тавсия ишончлилиги даражаси В (далиллар ишончлилиги даражаси 3)

Изоҳ: II линия кимётерапия қониқарли ҳолатда бўлган беморларга (ECOG 0-1) ва ўсма жараёнининг тарқалиши билан боғлиқ ўртача ҳолатдаги индивидуал беморларга (ECOG 2) (1 - ва 2 - илова) тавсия этилиши мумкин, агар кимётерапия таъсири бемор умумий ҳолатини яхшиланишига имкон берса. Умумий аҳволи оғир бўлган беморларга фақат симптоматик даволаш тавсия этилади. Агар прогрессия аввалги кимётерапия тугаганидан кейин 6 ойдан ортиқ вақтдан сўнг

ривожланган бўлса, худди шу кимётерапия схемасини давом эттириш тавсия этилади. Акс ҳолда, кимётерапияни бошқа дорилар билан бошлаш тавсия этилади. Меъда ости бези саратони учун иккинчи қатор кимётерапиянинг тавсия этилган схемалари 11-жадвалда умумлаштирилган [54; 62; 73; 85; 117].

11-жадвал. Меъда ости бези саратони II линия кимё терапияси

Кимё терапия режими (даво прогрессиягача/чидаб бўлмас токсикликкача)	Беморларни танлаш мезонлари
#Паклитаксел+альбумин 100-125 мг/м ² в/и томчилаб 30 дақиқа + #Гемцитабин** 750-1000 мг/м ² в/и томчилаб 30 дақиқа 28 кунлик курснинг 1, 8, 15 кунлари [99]	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилмаган гемцитабин** ва паклитаксел+альбумин; • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти.
#Гемцитабин** 1000 мг/м ² в/и томчилаб 1, 8 дни + #цисплатин** 25-50 мг/м ² в/и томчилаб 21 кунлик курснинг 1-кунида [60,108] ёки #Гемцитабин** 1000 мг/м ² в/и томчилаб + #Оксалиплатин** 85-100 мг/м ² в/и томчилаб ҳар 2 ҳафтада [90, 95]	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилмаган гемцитабин** ва платина унумлари; • Статус ECOG 0-2 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • BRCA герминал ёки соматик мутациясининг мавжудлиги или тухумдон саратони, кўкрак бези саратони ёки меъда ости бези саратонидан азият чеккан 1-3 даражали 2 ва ундан ортиқ қариндошларининг мавжудлиги
Гемцитабин** 750-1000 мг/м ² в/и томчилаб 30 дақиқа ҳафтасига 1 марта 7 ҳафта давомида кейинчалик 1 ҳафта	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилмаган гемцитабин**; • ECOG 1-2 (1- ва 2- илова);

<p>танаффус билан, сўнгра 28 кунлик курснинг 1, 8, 15 кунлари [109, 118]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий билирубин <3 х меъёрнинг юқори чегараси.
<p>mFOLFIRINOX [59; 105] (#оксалиплатин** 60-85 мг/м² в/и 120 мин, #иринотекан** 120-180 мг/м² в/и 90 мин, #кальция фолинат** 400 мг/м² в/и 120 мин, #фторурацил** 2000-2400 мг/м² в/и инфузия 46 соат давомида, цикллар орасидаги интервал 14 кун);</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган гемцитабин**; • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги; • Марказий веноз киришни ўрнатиш имконияти; • Инфузомат / инфузион насос ёрдамида икки суткалик фторурацил инфузиясини ўтказиш имконияти; • Ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар юз берса, ихтисослаштирилган муассасада касалхонага ётқизиш имконияти.
<p>FOLFOX[86] (#оксалиплатин** 85 мг/м² в/и 120 дақиқа, #кальция фолинат** 400 мг/м² в/и 120 дақиқа, #фторурацил** 400 мг/м² в/и болюс, #фторурацил** 2400 мг/м² в/и инфузия 46 соат давомида, цикллар орасидаги интервал 14 кун); XELOX [53] (#оксалиплатин** 130 мг/м² в/и 120 дақиқа 1-кун, #капецитабин** 2000 мг/м²/сут ичишга 21 кунлик циклнинг 1-14 кунлари); FOLFIRI.3 [96, 112, с. 3] (#иринотекан** 70-90 мг/м² в/и 60 дақиқа 1-кун, #кальция фолинат** 400 мг/м² в/и 120 дақиқа 1-кун,</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган гемцитабин**; • Статус ECOG 0-1 (1- ва 2- илова); • Умумий билирубин <1,5 х меъёрнинг юқори чегараси; • Ўсма жараёнининг ва ҳамроҳ касалликларнинг жиддий асоратлари йўқлиги.

<p>#фторурацил** 2000 мг/м2 в/и инфузия 46 соат давомида, #иринотекан** 70-90 мг/м2 в/и 60 дақиқа инфузия тугаганидан сўнг 3-кун #фторурацила**, цикллар орасидаги интервал 14 кун); CAPIRI [58] (#иринотекан** 200 мг/м2 в/и 90 дақиқа 1-кун, #капецитабин** 1600-2000 мг/м2 ичишга 21 кунлик циклнинг 1-14 кунлари). OFF [75] (#оксалиплатин** 85 мг/м2 в/и 120 дақиқа. 8, 22 кунлар, #кальция фолинат** 200 мг/м2 в/и 30 дақиқа 1,8,15,22 кунлар, #фторурацил** 2000 мг/м2 в/и 24 соат давомида инфузия 43 кунлик циклнинг 1,8,15,22 кунлари</p>	
<p>Пембролизумаб** 200 мг в/и 30 дақиқа. 3 ҳафтада 1 марта [113, 115]</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган #гемцитабин**; • ECOG шкаласи бўйича ҳолати 0-2 (1-ва 2-илова); • Ўсманинг микросателлит бекарорлигининг юқори даражаси (MSI-H) ёки жуфтлашмаган асосларни репарация тизимининг етишмаслиги (dMMR).
<p>#Капецитабин** 2000-2500 мг/м2/сут. ичишга 21 кунлик циклнинг 1-14 кунлари[75]; #фторурацил** 375-425 мг/м2 в/и болюс + #кальция фолинат** 20 мг/м2 в/и болюс 28-кунлик циклнинг 1-5 кунлари [56, 100].</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аввал қўлланилган #гемцитабин**; • Статус ECOG 2 (1-ва 2-илова); • Умумий билирубин <3 х меъёрнинг юқори чегараси.

Кахексия ҳолатида #мегестролни буюриши тавсия этилади [55, 77] 320-480 мг дозада ичишга суткасига 1 марта, давомийлиги индивидуал равишда белгиланади.

